



Received: August 3, 2021
Accepted: September 19, 2021
Available online: September 25, 2021

Гулрух Каххорова

Бухоро давлат университети таянч докторанти
Бухоро, Ўзбекистон

ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА ЮКЛАМАЛАРНИНГ ВАЗИФАСИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўзбек ва инглиз тилларида қўлланиладиган ёрдамчи сўз туркумларидан бири – юкламалар ҳақида фикр юритилади. Инглизлар ва ўзбеклар бир-биридан узоқ ҳудудларда яшаб, турли тиллар оиласига кирувчи ҳамда турли системадаги тилларда сўзлашсалар-да, сўз туркумлари бўлиниши борасида улар бир-бирига яқинлиги билан эътиборни тортади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида айрим сўзларга (яъни гап бўлақларига) ёки гапга қўшилганда англатадиган маъносига ҳамда тузилиши ва ёзилишига кўра юкламанинг бир-биридан фаркланадиган олтига маъно тури, сўз ва қўшимча кўринишида бўлиши, айримларининг сўзга қўшиб, бошқаларининг эса сўздан чизикча билан ажратиб ёзилиши маълум. Шу асосда юкламаларнинг гетероген (юнонча бу сўз “бошқа тур” деган маънони ифодалайди, яъни: хилма-хиллик, бир структурадаги ҳар хил қисмларга эга бўлишлик) хусусияти ойдинлашади. Шу ўринда ўзбек тилида қўшимча кўринишидаги юкламалар борлиги ва, асосан, сўз охиридан қўшилиб келиши унинг агглютинативлик хусусиятини намоён этса, инглиз тили флектив тил бўлгани боис, унда сўз охиридан қўшилиб келадиган қўшимча кўринишидаги юкламалар мавжуд эмаслиги мақолада тушунтириб берилган.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек тилида юкламалар тиниш белгиларини қўллаш қондасига мувофиқ чизикча билан ёзилиши, баъзида вергул ёрдамида ажратилиши инглиз тили учун деярли хос эмас. Бундай хусусият инглиз ти-

Gulrukh Kakhkhorova

PhD student, Bukhara State University
Bukhara, Uzbekistan
E-mail: gulrukh@mail.ru

OBJECTIVES OF PARTICLES IN THE UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES

ANNOTATION

This article is devoted to one of the auxiliary groups of words used in the English and Uzbek languages – particles. The British and Uzbeks live in distant lands, belong to different language families, and speak different language systems; naturally, they differ in their closeness to each other in terms of word grouping.

It is known that in the modern Uzbek literary language there are six types of words meaning due to suffixes, some of which are added to the word, and some are separated from the word with a hyphen. Given the above, the heterogeneous nature of the particle becomes clear (from the Greek word meaning "another type", i.e. variety, the presence of different parts in one structure). The article explains that there are additional suffixes in the Uzbek language, and mainly the addition at the end of a word shows its agglutinative character, while English is an inflectional language, so there are no suffixes at the end of the words.

As we mentioned above in the Uzbek language the particles are written with a hyphen in accordance with the rules of punctuation, sometimes with a comma, which is almost not typical for the English language. This feature is relatively rare in English. In addition, the article is based on the use of examples, where the possibility of switching between auxiliary words is not excluded, the function of one performing the function of the other is not excluded, as is the case with all auxiliary words.

Key words: particles, heterogeneity, particleology, reinforcement, accent, denial, suspicion, assertion, anchoring.

лида нисбатан кам учрайди. Бундан ташқари, мақолада ёрдамчи сўзлар орасида бир-бирига кўчиш, бирининг вазифасини иккинчиси бажаришдек хусусият барча ёрдамчи сўзларга хос бўлгани каби юклама ҳам бундан мустасно эмаслиги мисоллар ёрдамида асосланган.

Калит сўзлар: юклама, гетероген, партикология, кучайтирув, таъкид, инкор, гумон, тасдик, боғловчи.

КИРИШ

Инглизлар ва ўзбеклар бир-биридан жуда узоқ ҳудудларда яшаб, турли тиллар оиласига қарашли ҳар хил тизимдаги тилларда сўзлашсалар-да, уларнинг сўз туркумлари бўлинишида ўзига хос яқинликлар борлиги эътиборни тортади. Жумладан, ҳар икки тил тизимида юкламалар мавжуд бўлиб, ёрдамчи сўзлар қаторига киритилади. Инглиз тилида *“particles”*, немис тилида *“partikel”*, рус тилида *“частицы”* деб юритиладиган шундай лисоний бирликлар борки, уларни ўрганувчи тилшунослик бўлими *“партикология”* деб номланади. Лотинча *бир бўлакча, қисмча* маъносини англатадиган *particula* ҳамда *билим, таълимот* маъносини билдирувчи *logos* сўзлари бирикишидан ҳосил бўлган *партикология* термини билан номланувчи ушбу бўлимда аташ маъносига эга бўлмаган ҳамда таркиби ўзгармайдиган, грамматик шакл, маъно ва вазифага эга кўмакчи, боғловчи, юклама каби ёрдамчи сўз туркумлари ўрганилади. Лекин, эътиборли жихати шундаки, *“партикл”* термини ёрдамчи сўз туркумлари орасида юклама учун махсус ном сифатида қўлланиши кузатилади. Бундан эса, юкламаларнинг кўмакчи ва боғловчига нисбатан вазифалари кенглиги англашилади. Дарҳақиқат, юкламалар нутқни ташкил қилувчи сўз ва гапларга қўшимча маъно бериш вазифасини бажаришидан ташқари уларга қўшимча қисм сифатида қўшилиб, қўшимча маъно юклашга ҳам ёрдам бера олади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбек тилида “юклама” термини “юкламоқ” феълининг “вазифа ёки иш топширма, зиммасига қўймоқ; ортмоқ” мазмунидаги кўчма маъноси асосида келиб чиққан [Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2007; 80] ва улар ёрдамчи сўз туркумлари тизимида алоҳида ўрин тутди. Юкламалар грамматик маъно англатгани ҳолда лексик маъно англатмаса-да, олтига маъновий гуруҳга бўлинади. Қуйидаги жадвалда (1.1-жадвал) ҳозирги ўзбек адабий тилида айрим сўзларга (яъни гап бўлаклари) ёки гапга қўшилганда англатадиган маъноларига ҳамда тузилишига ва ёзилишига кўра юкламанинг бир-биридан фарқланадиган олтига маъно тури, унинг сўз ва қўшимча кўринишида бўлиши, қайсилари сўзга қўшиб, қайсилари сўздан чизикча ёрдамида ажратиб ёзилиши кўрсатиб берилган:

I. I-жадвал.

Юкламалар					
		Кўринишига кўра турлари		Ёзилишига кўра турлари	
	Маъно турлари	Сўз юкламалар	Кўшимча юкламалар	Сўзга қўшиб ёзиладиган юкламалар	Сўздан сўнг “-” қўйиб ёзиладиган юкламалар
1.	Сўроқ-таажжуб юкламалари	<i>наҳот, наҳотки</i>	<i>-ми, -чи, -а, -я</i>	<i>-ми</i>	<i>-чи, -а, -я,</i>
2.	Кучайтирув-таъкид юкламалари	<i>ахир, ҳатто, ҳаттоки, наҳот, наҳотки, ҳам, гирт</i>	<i>-у, -ю, -ку, -да, -оқ, -ёқ, -э(е), -ай (-эй)</i>	<i>-оқ, -ёқ</i>	<i>-у, -ю, -ку, -да, -э(е), -ай(-эй)</i>
3.	Аниқлов юкламаси	<i>нақ, худди, қоқ</i>	<i>-ки, -ким</i>	<i>-ки, -ким</i>	—
4.	Айирув-чегаралов юкламаси	<i>фақат, атиги, (ёлғиз)</i>	<i>-гина (-кина, -қина)</i>	<i>-гина (-кина, -қина)</i>	—
5.	Инкор юкламаси	<i>на-на, ҳеч, сира</i>	—	—	—
6.	Гумон юкламаси	—	<i>-дир</i>	<i>-дир</i>	—

Бу жадвал асосида юкламаларнинг гетероген (грекча – “бошқа тур” дегани бўлиб, хилма-хиллик, бир структурадаги ҳар хил қисмларга эга бўлишлик) хусусиятини ёрқин кузатиш мумкин.

Шу ўринда ўзбек тилида қўшимча кўринишидаги юкламалар борлиги ва, асосан, сўз охиридан қўшилиб келиши унинг агглютинативлик хусусиятини яна бир бор намоён этади. Инглиз тили эса флектив тил бўлгани боис, унда сўз охирида қўшилиб келадиган қўшимча кўринишидаги юкламалар ҳам мавжуд эмас.

Ўзбек тилидаги юкламаларнинг тиниш белгиларини қўллаш қондасига асосан чизиқча билан ёзиш, баъзан вергул билан ажратилиш ҳодисаси инглиз тилига деярли хос эмас. Бундай ҳолат инглиз тилида нисбатан кам учрайди.

Ж.Бўронов инглиз тилидаги юкламаларга шундай таъриф бериб: “Маълум сўз, конструкция ёки бутун гапга тегишли бўлиб, унинг маъносини кучайтириб, сусайтириб, айириб, чегаралаб ёки сўроқ маъносини билдириб келувчи (алоҳида сўзларга боғлиқ ҳолда сўзларнинг қўшимча маъноларини билдирувчи) ёрдамчи сўзлар юкламалардир” [Бўронов Ж., 1973; 70], – дейди.

Бу таърифдан англашиладики, инглиз тилида ҳам юкламаларнинг бир неча маъновий гуруҳлари мавжуд.

Маъносига кўра инглиз тилидаги юкламалар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Limiting particles.
2. Intensifying particles.
3. Specifying particles.

4. Additive particles.
5. Negative particles.
6. Connecting particles.

Ўзбек тилида **сўроқ ва таажжуб юкламалари** мавжуд бўлиб, улар **-ми, -чи, -а, -я** каби қўшимча кўринишидаги юкламалардан иборат. Улар сўз ёки гапга қўшилиб келиб, сўроқ мазмунини ифода этади. Бу юкламалардан биттаси ёки бир нечтаси бир гапда қўлланиб келиши кузатилади. Масалан:

Сиз йигилишга борасизми?

Сиз-чи, йигилишга борасизми?

Инглиз тилида ушбу мисолда келтирилган кўринишда – қўшимча шаклида, сўзга чизикча орқали қўшиб ёзиладиган юкламалар учрамайди. Лекин бирикмаларда юкламаларнинг ҳам қўшилиб, ҳам чизикча билан ёзилиши кузатилади. Иккинчидан, сўроқни ифода этувчи на қўшимча, на сўз кўринишидаги юкламалар мавжуддир.

Сўроқ юкламаларининг гапда, асосан, қуйидаги маъновий вазифаларда қўлланиши кузатилади:

1. Гапга соф сўроқ маъносини бериш учун қўлланади: – *Нонингиз иссиқми? Ёғли патир ҳам борми?* Бу содда гапларда соф сўроқ мазмуни устувор.

2. Таажжуб, ажабланиш маъносини ифодалаш учун қўлланади: *Мен уни босиқ одам десам, телбага ўхшайди-я?* Ёки: *Пули тўланган бўлса-да, бермасмиши?*

Ушбу гапларда нафақат сўроқ, балки таажжуб, ажабланиш маъносини ҳам илғаш мумкин.

3. Гапда сўроқ ва ҳайрат маъносини аралаш ифодалайди: *То қорли-қировли кунларгача пахта терганимиз эсингиздами?* Ушбу гапда сўроқ ва ҳайрат маъноси аралашиб келмоқда. Гапнинг мазмунидан “чидаган эканмиз-да” деган пресуппозиция ҳам юзага чиқмоқда.

Баъзан сўроқ ва ҳайратни кучли ҳис-ҳаяжон билан ифодалаб келади: *Бунча гўзал қуш бўлмаса-я? Келингиз нақадар гўзал экан-а?*

4. Сўроқ шаклида буйруқ, норозилик ва насиҳат маъноларини англатишга хизмат қилади. Бунда буйруқ оҳанги яшириниб келади: *Э, шу йигитга тегмоқчимисан?* Мазмуни “тегма унга” деган буйруққа қаратилган.

Ёки: *Ўша хонадонга яна қайтиб бормоқчисан-а?* (Буйруқ: “борма”; норозилик: “боришингга қаршиман”; насиҳат: “ўйлаб кўр” демоқчи).

5. Ҳавас ва ҳайрат маъноси кучайтирилади: *О, бу чиройли кўйлак сеникими?*

Сўроқ юкмаси иштирок этган ушбу гапда ундов сўз (*О*) нинг қатнашаётгани ҳайрат ва ҳавас маъносининг янада кучли баён этилишига ёрдам берган.

6. Тасдиқни ифодалаш учун қўлланади: *Директоримиз тўй қилаётганда бормай бўладими?* (Бориш шарт, демоқчи).

Инглиз тилида *whether* сўзи ҳам маъноси ва вазифаси жиҳатидан ўзбек тилидаги *-ми* сўроқ юкмасининг маъно ва вазифасига мос тушади. Масалан: *I asked him whether he worked anywhere*. Келтирилган бу мисолнинг ўзбекча

таржимасиэргаш гапли кўшма гап сифатида намоён бўлади: *Мен ундан бирор жойда ишлайдими, шуни сўрадим*. Лекин инглиз тилида ҳам тўлдирувчи эргаш гаплар мавжуд.

7. Ишонч маъносини ифодалаш учун қўлланади: *Дипломни олдик, энди ишга жойлашсак бўлар-а?*

Ўзбек тилида энг кенг тарқалган юклама турлари **-у, -ю, -ку, -да, -оқ, -ёқ, -э (е), -ай (-эй), ахир, ҳатто, ҳаттоки, ҳам, ғирт, наҳот, наҳотки** каби кўшимча ва сўз кўринишида учрайдиган **кучайтирув ва таъкид юкламалари**дир. Улар гапга экспрессивлик, тасвирийлик, таъсирчанлик, модаллик билан боғлиқ маъноларни юклаб, сўз маъноси устига яна таъкид маъносини қўшиш орқали маънони кучайтиришга хизмат қилади. Масалан: *Сизга китобни етказган эдим-ку!*

Кучайтирув ва таъкид юкламаларининг кўпроқ қуйидаги маъновий вазибаларда қўлланиши кузатилади:

1. Нутқдаги бирор сўзни маъно ва оҳанг жиҳатдан ажратиб кўрсатиш учун қўлланади. Шундай бўлса-да, уларнинг қўлланиши бутун бошли гапнинг маъно ва оҳангига таъсир кўрсатади. Масалан, *Меҳнатингиз натижаси оилангизгагина эмас, бутун элга ҳам теғсин* гапида **ҳам** юкламаси бунга хизмат қилмоқда.

2. Таажжуб маъносини билдиради: *Ахир, одам отасини ҳам сўкадими? Наҳотки бу асарни ўқимаган бўлсангиз?*

3. Таъкид ва кучайтирув маъноларини ифодалаш учун ишлатилади: *Ахир, депутатлар – халқ ноиблари-ку?!*

Инглиз тилида ҳам кучайтирув-таъкид юкламалари (“Emphatic or intensifying particles”) мавжуд. Улар қаторига ***even, yet, still, all, just, simply, never, but, only, quite, too, very, exactly, right, precisely*** каби **ҳаммо, ҳаммоки, наҳотки, ахир, ҳам** сингари оттенкаларда қўлланувчи юкламалар мансубдир. Бу юкламалар, одатда, ўзи боғланиб келган сўзнинг маъносига аниқлик киритиб, уни кучайтириб, таъкидлаб кўрсатишга ёрдам беради. Масалан: “Well! that is quite – I suppose there ***never*** was a piece of news more generally interesting. My dear sir, you really are too bountiful” [Jane Austen, 1816; 91] (Таржимаси: “Ажойиб! Бу шундай, менимча, ҳамма учун бундан-да қизиқарли янгиликлар ***наҳотки*** бўлмаган. Қадрли жаноб, сиз ҳақиқатдан ҳам жуда сахий”).

Келтирилган мисолнинг аслият матнидаги ***never*** партикли таржимада бирданига иккита – ***наҳотки*** ва ***-да*** каби бири сўз, бири кўшимча кўринишидаги кучайтирув-таъкид юкламаси орқали берилгани кузатилмоқда.

Инглиз тилидаги ***still*** ва ***yet*** сўзлари “intensifying particles” сифатида қиёсий даражадаги сифатдан олдин келади ва бирор нарсанинг белги-хусусияти даражасини оширишда ишлатилади. Масалан: “The next day was ***still*** warmer” – “Эртаси куни ҳаво илиқроқ эди”.

Инглиз тилидаги ***yet*** кучайтирув-таъкид юкламаси моҳиятан ўзбек тилидаги **ҳам** юкламасига мос келади. Масалан: “That would be so very painful a conclusion of their present acquaintance! and ***yet***, she couldnot help rather anticipating something decisive” [Jane Austen, 1816; 91] (Таржимаси: “Уларнинг ҳозирги

танишувларининг хулосаси шунчалик оғрикли бўлар эди! Ва у **ҳам** ҳал қилувчи нарсани кутган ҳолда ёрдам бера олмас эди”).

Инглиз тилидаги **even** кучайтирув-таъкид юкламаси моҳиятан ўзбек тилидаги **ҳаммо** юкламасига тўғри келади. Масалан: “When she looked at the hedges, she thought the elder at least must soon be coming out; and when she turned round to Harriet, she saw something like a look of spring, a tendersmile **even** there” [Jane Austen, 1816; 91] (Таржимаси: “У тўсиқларга қараганида, ҳеч бўлмаганда каттароқ киши ташқарига чиқиши керак деб ўйлади ва Гарриетга ўгирилиб, баҳорнинг кўринишини, нозикликни ва **ҳаммо** шу ерда ҳам табассумни кўрди”).

Инглиз тилидаги **just** кучайтирув-таъкид юкламаси моҳиятан ўзбек тилидаги **ахир** юкламасини эслатади. Масалан: “Emma was most agreeably surprized. – Mr. Elton's absence just at this time was the verything to be desired” [Jane Austen, 1816; 91] (Таржимаси: Эмма жуда ҳайратда қолди. **Ахир** ҳозир Элтоннинг йўқлиги жуда муҳим исталган нарса эди”).

4. Иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги тезлик ва давомийлик маъносини англатади. Бунда кўпинча –у (-ю) юкламаси аниқлик майлидаги феъллардан сўнг келиб қўшилиб келади: *Уйга келдим, овқатга уриндим* (тезлик ифодаланмоқда). *Имтиҳонни олдим, тинчидим* (давомийлик ифодаланмоқда).

Simply юкламаси, одатда, кесим билан боғланади ва равишдан фарқли ўлароқ, у кесимдан кейин эмас, балки олдинги ўринда ёки унинг бўлаги бўлиб келади. Масалан: “You **simply** must see the play” – “Сиз *шунчаки* пиесани кўришингиз керак”. Ёки яна: “That is **simply** not true” – “Бу *шунчаки* тўғри эмас”.

Ўзбек тилида **-гина, -кина, -қина, фақат, атиги** кабиларга **айирув ва чегаралов юкламалари** сифатида қаралади. Улар, одатда, ўзи билан келган сўзларни ажратиб, чегаралаб кўрсатиш учун хизмат қилади. Масалан: **Фақат қизигина ота-онасига меҳрибонлик қиларди**. Ёки: **Фақатгина қизи ота-онасига меҳрибонлик қиларди**. Демак, сўз кўринишидаги айирув-чегаралов юкламасига худди шундай маънодаги аффикс юклама қўшилиб келиши мумкин. Бунда маънонинг янада кучайтирилгани англашилади.

Ўзбек тилидаги **айирув-чегаралов юкламаларига** моҳиятан мос лингвистик ҳодисалар инглиз тилида “**Limiting particles**” деб юритилади. Бунга **even, only, merely, barely, almost, nearly, scarcely, hardly, solely, just, but, alone, yetc** кабилар мисол бўлади. Мазкур юкламалар, асосан, фақат ва ёлғиз, шунчаки маъноларида қўлланиб, гапдаги қайсидир сўзни ажратиб, чегаралаб кўрсатишга, унинг маъносига қўшимча тарзда яна айирув-чегаралаш маъносини юклашга, шу маънода уни бошқа сўзлардан ажратиб таъкидлашга хизмат қилади. Масалан: “I should be as ready to acknowledge his merits as any other man; but I hear of none, except what are **merely** personal; that he is well-grown and good-looking, with smooth, plausible manners” [Jane Austen, 1816; 80]. (Сўзма-сўз таржимаси: “Мен ҳар қандай одам каби унинг хизматини тан олишга тайёр бўлишим керак; лекин мен ҳеч нарсани эшитмаяпман, **фақат** шахсий нарсалардан ташқари; у яхши тарбияланган ва гўзал, ёқимли, тўғри хулқ-атворли”).

“**Merely**” сўзи “фақат”, “шунчаки” маъносида ҳам учрайди. Жумладан:

“And have you never known the pleasure and triumph of a lucky guess? – I pity you – I thought you cleverer – for, depend upon it a lucky guess is never *merely* luck. There is always some talent in it [Jane Austen, 1816; 80]. (Таржимаси: “Сиз ҳеч қачон бахтли тахминнинг ғалабаси ва нашидасини билмаганмисиз? – Мен сизга ачинаман. Мен сизни ақллироқ деб ўйлагандим, чунки унга боғлиқ омадли тахмин шунчаки омад эмас. Унда ҳар доим истейдод бор”).

Худди, нақ, қоқ сўзлари ўзбек тилида **аниқлов юкламалари** ҳисобланади. Улар ўзи боғланиб келган гап бўлагининг маъносини янада аниқлаштиришга, чоғиштириш, қиёслаш, ўхшатиш маъноларини ифодалашга ёрдам беради. Масалан: *Бу мен қидирган шеърнинг худди ўзи.*

Одатда, *худди, нақ* чоғиштириш (қиёслаш, ўхшатиш) маъноларини билдирувчи аниқлов юкламалари мана шу маънода қўлланувчи *-дек, -дай* қўшимчалари ёрдамида ясалган ёки *каби, сингари* қўмакчилари билан бирга бошқарилган отлар ва олмошлардан олдин келиши кузатилади: *Чўл бағридан худди вулқондек отилиб чиққан булоқ сувининг салқин шабадаси ҳаммани яйратиб юборди.*

Худди юкламаси аслида аниқлов юкламаси бўлса-да, унинг кучайтириш маъносини ифодалаш учун ҳам қўлланиши кузатилади. Масалан: *Бола мени худди олдиндан танигандай, бегонасирамади.*

Баъзан *нақ* юкламаси қўплик маъносини кучайтириб ифодалаш учун қўлланилади: *Э келин, бу мантиларингиз нақ калламдай-ку* (“Роса катта-ку” маъносида). *У нақ бир қўйнинг гўштини қозонга босди* (“Роса кўп” маъносида).

Инглиз тилида “**Specifying particles**” аниқлов юкламалари сифатида қаралади. Бунга *just, right, exactly, precisely* сўзлари *нақ, худди* маъноларида қўлланиши жиҳатидан ўзи боғланиб келган сўзнинг маъносини аниқлаштиришга ёрдам беради. Масалан: “We want only two more to be *just* the right number. I should like to see two more here, – your pretty little friend, Miss Smith, and my son – and then I should say we were quite complete” [Jane Austen, 1816; 80]. (Таржимаси: “Биз яна иккита *нақ* айнан тўғри рақам бўлишини истаймиз. Мен яна иккитасини кўришни хоҳлайман бу ерда, сизнинг жуда кичкина дўстингиз, Мисс Смит ва ўғлим, шундагина биз жуда яхши тўлиқ бўла олардик”).

Худди, нақ юкламаларининг аниқлаш маъноси *precisely* юкламаси воситасида ҳам ифода қилинади. Масалан: “Very true, Miss Woodhouse, so she will. He is the very best young man – But, my dear Jane, if you remember, I told you yesterday he was *precisely* the height of Mr. Perry”. (Таржимаси: “Тўғри, мисс Вудхаус, шундай бўлади. У энг зўр йигит – Аммо, азизим Жейн, агар эсласангиз, кеча сизга айтган эдим, унинг бўйи *нақ* жаноб Перрининг бўйидек эди).

Ўзбек тилида гумон юкламаси омонимлик хусусиятига эга ва уни гумон олмоши шаклидан ҳамда кесимлик қўшимчасидан фарқлаш лозим. Сўроқ олмошларига қўшилиб келган *-дир* аффикси гумон олмошини ҳосил қилади. Гапнинг кесимига қўшилиб келган *-дир* аффикси эса кесимлик шакли ҳисобланади. *-дир* кесимлик шакли қўшилиб келган бўлак от кесим саналади. Қиёслаш учун мисоллар:

Йўлга нондир, гўштдир олсак зарар кўрмаймиз (гумон юкламаси).

Кимдир эшикни тақиллатаяпти (гумон олмоши).

Суянганим ватанимдир (от кесим таркибидаги кесимлик кўшимчаси).

Инглиз тилида **фикрни тўлдиришга чорловчи юклама** – “**Additive particle**” ҳам мавжуд. Бунга *else* сўзи мисол бўла олади. Мазкур юклама баён қилинаётган фикрни тўлдириш учун яна нима қўшиш мумкинлигини сўраш учун ишлатилади. Шу боис у қатнашган гаплардан сўнг кўпинча сўроқ белгиси (?) кўйилади. Масалан: “Do you have anything *else* to add?” (Таржимаси: “Сиз яна нимадир қўшасизми?”).

Else сўзи гап таркибида фақат гумон, сўроқ ва бўлишсизлик олмошлари ҳамда сўроқ равишлари билан бирга келади. Масалан: “I’m not buying the children anything *else* today – I’ve spent far too much money already”. (Таржимаси: “Мен болаларга бугун бошқа ҳеч нарса сотиб олмоқчи эмасман – мен керагидан анча кўп пул сарфлаб қўйдим”).

Else сўзи яна махсус сўроқ гапларда *what* сўзидан кейинги ўринда жойлашади:

What *else* would you like to say?

Сиз *яна* нима дейишни истайсиз?

Инглиз тилида **бириктирувчи ёки умумлаштирувчи** (“**Connecting particles**”) *too, also, as well, either* каби юкламалар ҳам қўлланади. Шундан *as well, also, too* – дарак ва сўроқ гапларда ишлатилса, *either* – инкор гапларда қўлланади: James was silent. Tom, *too*, was silent (Tom was silent, *too*).

Қуйидаги қиёсий жадвалда (1.2-жадвал) инглиз ва ўзбек тилларидаги юкламалар турларининг мослиги ва муқобиллигини кўриш мумкин.

1.2-жадвал.

Инглиз ва ўзбек тилидаги юкламаларнинг қиёсий тавсия қилиш орқали мослиги ва муқобиллиги					
Т./р.	Ўзбек тилидаги юкламалар тури	Ўзбек тилидаги юкламалар номи	Инглиз тилидаги юкламалар (партиклар) тури	Инглиз тилидаги юкламалар (партиклар) тури	Мослиги
1.	Сўроқ-таажжуб юкламалари	<i>наҳот, наҳотки, -ми, -чи, -а, -я</i>	–	–	–
2.	Кучайтирув-таъкид юкламалари	<i>ахир, ҳатто, ҳаттоки, наҳот, наҳотки, ҳам, ғирт, -у, -ю, -ку, -да, -оқ, -ёқ</i>	Emphatic or intensifying particles	<i>even, yet, still, all, just, simply, never, but, only, quite, too, very, exactly, right, precisely</i>	+
3.	Айирув-чегаралов юкламалари	<i>фақат, атиги, (ёлғиз), -гина (-кина, -қина)</i>	Limiting particles	<i>even, only, merely, barely, almost, nearly, scarcely, hardly, solely, just, but, alone, yetc</i>	+
4.	Аниқлов юкламалари	<i>нақ, худди, қоқ, -ки, -ким</i>	Specifying particles	<i>just, right, exactly, precisely</i>	+

5.	Инкор юкламалари	<i>на-на, ҳеч, сира</i>	Negative particles	<i>no, not, never</i>	+
6.	Гумон юкламаси	<i>-дир</i>	–	–	–
7.	–	–	Additive particle	<i>else</i>	–
8.	–	–	Connecting particles	<i>too, also, as well, eithe</i>	–

Ўзбек тилида аслида кучайтирув-таъкид юкламалари ҳисобланган **-у/-ю, ҳам** юкламалари яқин маъноли, бир туркумга мансуб сўзлардан (*ошу нон, дўсту ёр, гулу лола*); антоним, яъни шакли ва маъноси ҳар хил, аммо маъноси бир-бирига зид, қарама-қарши, айна пайтда, туркуми бир хил сўзлардан (*яхшию ёмон, каттаю кичик, ўғилу қиз*); синоним, яъни шакли ҳар хил, аммо маънодош, туркуми бир хил сўзлардан (*бахту саодат, ошу овқат*) ҳосил бўлган жуфт сўзлар ўртасида келиб, уларни ўзаро бириктиришга хизмат кўрсатади. Бироқ бунда улар юклама сифатида маъно юклаш вазифаси билан эмас, балки кўпроқ боғловчи сифатида икки сўзни тенг муносабатга киритиш, боғлаш вазифасини бажариб келиши инобатга олиниб, вазифадош боғловчи ҳисобланади.

Шунингдек, ўзбек тилида умумлаштирувчи юкламалар эмас, умумлаштирувчи (*умуман, умуман айтганда* каби) модал сўз ва модал кириш бирикмалар мавжуд.

Юқорида инглиз ва ўзбек тилидаги юкламаларнинг маъновий гуруҳлари орасида ўзига хос муштарак ва фарқли жиҳатлар борлиги аниқланди. Инглиз тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам юкламалар грамматик маъно англатиб, лексик маъно англатмаса-да, олтита маъновий гуруҳга ажратилган. Шунингдек, инглиз ва ўзбек тилларидаги юкламалар орасида яна қуйидаги умумий хусусиятлар борлиги кузатилади:

биринчидан, юкламалар ҳар икки тилда тил ҳодисаси сифатида алоҳида ёрдамчи сўзлар туркумидан бирини ташкил қилади. Кўмакчи, боғловчи сингари бошқа функционал сўзлар каби юкламалар ҳам конкрет бир лексик маънога эга бўлмаса-да, аниқ грамматик вазифаларни бажариб келади. Шуниси билан улар мустақил сўзлардан фарқланади ва грамматик маъноси ва шакли, грамматик вазифасига кўра ёрдамчи сўзлар қаторида алоҳида туркумланади;

иккинчидан, нутқ жараёнида юкламалар грамматик муносабатларни ифодаловчи функционал сўзлар сифатида мустақил сўз туркумига мансуб лисоний бирликларни ўзаро боғлаш, уларга турли маъноларни қўшиш вазифасини бажариб келади;

учинчидан, қўшимча қисм сифатида сўз ёки гапга қўшилиб келиши боис ўз кўринишини ўзгартирмайди;

тўртинчидан, таркибига на ясовчи, на шакл ясовчи қўшимчани қабул қила ололмаслиги сабабли ясалиш хусусиятига эга эмас;

бешинчидан, фақат грамматик маъно, грамматик шакл ва грамматик вазифага эга;

олтинчидан, кўпинча сўз кўринишида учраса-да, аташ маъносини билдирмайди;

еттинчидан, гап бўлаги бўлолмайди, балки бирор гап бўлаги таркибида келади;

саккизинчидан, урғу ололмайди. Юкламалар урғу ололмаса-да, улардан олдинги сўз урғу олади. Хусусан, кўшимча шаклидаги юкламалар (**-ми, -чи, -а, -я, -у, -ю, -да, -ку, -гина (-кина, -қина)**) мутлақо урғу қабул қилмайди. Масалан, *дада́м/чи*.

Инглиз тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам юкламалар матн таркибида алоҳида сўзлар сифатида ажралиб турадики, шу жиҳатига кўра, уларни қийинчиликсиз топиш мумкин. Аммо улар турли маъно нозикликларига эгалиги боис, қайси маънода келганлигини фақат матн орқали аниқлаш мумкин. Р.Бегматова қайд қилганидек: “Юкламаларнинг семантикаси уларнинг функциялари ва қандай мақсадда қўлланилаётганида аён бўлади. Шу туфайли фақатгина ўз нутқида фойдаланаётган шахсина қайси юкламани қайси бир мақсадда қўллаганлигини идрок қила олади. Инсоннинг тилга бўлган таъсири шу ўринда кўринади” [Бегматова Р.Ф., 2020; 12].

Ўзбек тилидаги юкламаларни кўринишига кўра иккига бўлиб ўрганишга тўғри келади. Булар:

1. Сўз юкламалар: ахир, ҳатто(ки), наҳот(ки), ҳам, ғирт, фақат, атиги, нақ, худди, қоқ, ҳеч, сира, на...

2. Қўшимча юкламалар: -ми, -чи, -а, -я, -у, -ю, -ку, -да, -оқ, -ёқ, -е, -гина, -кина, -қина, -ки, -дир....

Шуни ҳам айтиш муҳимки, инглиз тилидаги юкламалар, асосан, сўз кўринишидадир. Ўзбек тилида эса, аксинча, қўшимча кўринишидаги юкламалар катта ўрин эгаллайди (1.3-жадвал).

1.3-жадвал.

Ўзбек тилидаги юкламаларни моҳиятига кўра учга бўлиб ўрганиш мумкин		
Соф юклама	Қўшимчасимон юклама	Ярим юклама
ахир, ҳатто, фақат, ҳам, нақ, худди, наҳот	-а, -я, -ми, -ку, -у, -ю, -да, -оқ, (-ёқ), -е, -гина (-кина, -қина), -дир, -ки, (-ким)	ёлғиз, якка, баъзан, бир, биргина, эмас, яна, тагин, тугул, холос


Шакл жиҳатидан предлогларга ўхшаш бўлган партикл сўзлар инглиз тилидаги уч конструкция доирасида юклама вазифасини бажаради:

1. Фразавий/иборавий феъллар (фраземалар)даги юкламалар. Улар ўз ичига юклама вазифасини бажарадиган партикл сўзларни олади. Бундай грамматик қурилмалар таркиби фразема феъллардан кейин бир ёки бир нечта партикл сўзлардан иборат бўлади. Фраземали феълнинг партикл сўзи юклама вазифасини бажаради. Жумладан, *calloff (cancel)* – (бекор қилиш); *layinon (criticize)* – (танқид қилиш); *letup (diminish, lessen)* – (камайтириш); *passon (transmit)* – (ўтказиш, узатиш); *ruleout (eliminate)* – (йўқ қилиш); *throwup (vomit)*

– (кушиш) ва ҳоказолар иборали феълларга мисол бўла олади.

Куйидаги грамматик диаграмма юклама сифатидаги партикл сўзларни ўз ичига олган иборавий феълларни ўзида акс эттиради:

1.1-диаграмма.




2. Модал хусусиятли феъллар (Quasy-modal Verbs). Инглиз тилида юклама вазифасини бажарадиган партикл сўзни ўз ичига олган иккинчи грамматик курилма *quasy* – модал феъллардир. *Quasy* сўзи *ўхшаиш, монанд, ҳаммаси эмас, балки, баъзи хусусиятларни сақлаб қолган* маъноларини англатади. *Quasy* – модал феъл юклама вазифасида келадиган феъл ва предлогдан ёки феъл ва равишдан иборат бўлган феъллардир. Масалан:

ought to (керак), *used to* (одатланган, одатда бажарадиган) = verb + preposition [юклама];

verb + would rather, had better (*яхшииси*) = verb + adverb


1.2-диаграмма.



Бундай модал феъллар соф модал феъллар ва деярли модаллик хусусиятига эга бўлган феълларни ўз ичига олади. Улар инглиз тилидаги кўмакчи феълларнинг алоҳида шакли бўлиб, феъллардан грамматик шакл ва функцияси билан фарқланади. Учта инглиз *quasy* – модал феъллари юклама вазифасини бажарадиган партикл сўзларни ўз ичига олади. Булар: ***ought (to), had better, used to*** феълларидир.

3. Аниқловчили иборалардаги юкламалар. Инглиз тилида юклама вазифасини бажарадиган партикл сўзни ўз ичига олган учинчи грамматик қурилма бу – аниқловчи ибора. Инглиз тили грамматикасида аниқловчи ибора шаклида бир нечта аниқловчи битта сўз ёки сўз бирикмасининг аниқловчиси вазифасини ўташи мумкин. Қуйидаги остига чизилган аниқловчилар аниқловчи ибораларга мисол бўла олади:

1.3-диаграмма.



All three of the friends had been interviewed for the job, however, the board were not satisfied any of their answers (Ҳар уч дўст билан ишга олиш учун суҳбат қилинди, бироқ комиссия уларнинг бирорта жавобидан қониқмади).

Both of the girls sitting at the front table have got excellent marks in the exam (Олдинги партада ўтирган ҳар икки қиз имтиҳонни аъло баҳода топширди).

Юқоридаги жумлаларда аниқловчи иборалар таркибидаги *all three of the*, *any of their* ва *both of the* кабилар юклама сифатида ишлатилган. Қуйидаги грамматик диаграммада аниқловчи иборанинг шакли ва вазифаси, партикл сўзининг юклама вазифаси кўрсатилган:

Бошқа сўзлар билан грамматик боғлиқликни ифодаловчи, аммо аниқ лексик маънога эга бўлмаган сўзлар – фразема, *quasy* – модал феъллар ва инглиз тилидаги аниқловчи иборалар доирасидаги партикл сўзлар юкламаларнинг грамматик вазифасини бажаради.

Юклама грамматик шаклга эга, грамматик маъно англатувчи, муайян грамматик вазифа бажарувчи сўз саналганлиги боис инглиз тили грамматикасида юклама вазифасини ўташи мумкин бўлган грамматик шакллар партикл сўз сифатида қабул қилинади. Фразема, *quasy* – модал феъллар ва бошқа аниқловчиларнинг партикл сўзлари юклама вазифасини бажариб келади.

Инглиз тилида юкламаларнинг грамматик вазифасини фақат битта грамматик шакл бажариши мумкин. Партикл номи билан юритиладиган бундай сўзлар қаторини предлог ёки равишга хос функцияни бажармай қўйган предлог ёки равиш, шу жумладан, фраземали феъллардаги юкламалар, деярли модаллик хусусиятидаги феъллар ва аниқловчили иборалар, инфинитивли (ҳаракат номи) тузилмалар ташкил қилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, одатда, инглиз тилида юкламалар ўзи боғланиб келган сўздан олдин қўлланади. Камдан-кам ҳолатлардагина улар ўзи боғланиб келган сўздан кейин келиши мумкин. Масалан: “I can’t remember him at all. I’ve even forgotten what he looks like”. (Таржимаси: “Мен уни ҳеч ҳам эслай олмайман, ҳаттоки унинг кўринишини ҳам унутиб қўйганман”).

Ўзбек тилида эса юкламалар ўзи боғланиб келган сўздан олдин ҳам, кейин ҳам келиши мумкин. Масалан, **фақат** юкламаси жуда кўп ҳолларда ўзи ажратиб келган сўз олдида қўлланилади, баъзан инверсияга учраган гапларда ва поэтик асарларда ўзи алоқадор сўздан кейин ҳам келади. Лекин бундай ҳолатлар **фақат** юкламасининг пресуппозиция англатиб келишига тўсқинлик қилолмайди. Масалан: **Фақат** мени койиманг, она.

Шуниси ҳам борки, ҳар икки тилда ҳам бир маъно гуруҳига мансуб юкламалардан биттаси ё бир нечтаси, ё бир гапда бир неча маъно гуруҳига мансуб юкламалар аралаш қўлланиб келиши кузатилади. Масалан: “I have organised a perfectly wonderful party, but you even did not pay attention, you neither called at me, nor phoned, just ignored everything”. (Таржимаси: “Мен жуда ажойиб кеча уюштирдим, бироқ сен ҳаттоки эътибор ҳам қилмадинг. Сен на ташриф буюрдинг, на қўнғироқ қилдинг, шунчаки ҳаммасини инкор этдинг”).

Маълумки, ўзбек тилида юкламалар ясалмайди ва ясалишга асос ҳам бўлолмайди. Лекин инглиз тилидаги сўз ясалишида юкламалар иштирок эта олади. Аниқроғи, инглиз тилида юклама қўшма сўз ясалишида қатнашади. Бу жараёнда у қўшма сўзнинг компоненти кўринишида ишлатилади. Умуман айтганда, инглиз тилида юклама бошқа сўз туркумлари сўз ясалишида иштирок этиб, унинг муҳим компонентларидан бири бўлиб келади.

Инглиз тилида юклама иштирокида ясалган қўшма сўзлар “Part + N” моделида намоён бўлади. Бунга *online* (мобиль-алоқа (масофавий)), *onlooker* (томошабин), *onward* (олдинга ҳаракат қилувчи) каби қўшма сўзларни мисол қилиш мумкин. Уларнинг биринчи келган *on* қисми юклама бўлса, кейинги қисми от туркумидаги сўзлардир. Инглиз тилида юклама ва от туркумининг бирлашувидан юқоридаги каби қўшма отлар ҳосил бўлган.

Ўзбек тилида юклама сўз ясалишида умуман иштирок этмайди. Буни на содда, на қўшма сўзлар мисолида кузатиш мумкин.

Шуниси борки, ўзбек ва инглиз тилларидаги юкламаларнинг ифодалаб келадиган маъноларида ҳам ўхшашликлар мавжуд. Масалан, улардан айримларини қуйидагича қиёслаб кўрсатиш мумкин (1.4-жадвал).

1.4-жадвал.

Ўзбек ва инглиз тилларидаги юкламаларнинг маъноларидаги ўхшашликлар				
Тиллар кесимида	Тасдиқ маъноси	Инкор маъноси	Қистов маъноси	Юклама тури
Ўзбек тилида	<i>Менга нақ шу китоб керак эди.</i>	<i>Бу балиқ худди даданг келтирган балиқдай эмас.</i>	<i>Душман турган худудни қоқ ёриб кирдик.</i>	Аниқлов
Инглиз тилида	<i>He invited me to his wedding too.</i>	<i>The dead will not return as soon as you make a campaign.</i>	<i>After all, start the wedding now.</i>	
Ўзбек тилида	<i>Мени ҳам тўйига айтди.</i>	<i>Дангиллама маърака қилганингиз билан ўлган қайтиб келмайди-ку.</i>	<i>Ахир энди тўйни бошланг.</i>	Кучайтирув- таъкид
Инглиз тилида	<i>As for me, I knew it beforehand.</i>	<i>And you, you are not a human being! Do you call that a person?</i>	<i>What if you move forward ?! Will you not repay the loan you received?</i>	
	<i>Мен-чи, бу ҳақда олдиндан сезгандим.</i>	<i>Сиз-чи, одам эмас экансиз. Ўшани одам деб юрибсизми?</i>	<i>Олдинроққа силжисангиз-чи?! Олган қарзингизни бермайсизми?</i>	Сўроқ- таажжуб
Ўзбек тилида	<i>Фақат айтма дема, айтаман.</i>	<i>Фақат сен етишмай турган эдинг.</i>	<i>Фақат тезроқ айт.</i>	Айирув- чегаралов
Инглиз тилида	<i>Just don't ask me not to tell, I will.</i>	<i>Another county heard from. (idiom)</i>	<i>Just say it faster.</i>	

Агар юклама тушириб қолдирилса, гапнинг маъносида ҳам йўқотиш юз беради. Бундай таъкид немис юкламаси Г.Вейдт томонидан ҳам қайд этилган [Weydt H., 1983; 141]. Юкламалар ё биргина сўзга, ё бирор сўз бирикмасига, ё худ бутун бошли бир гапга тегишли бўлиши ва уларга маъно қўшиши кузатилади. Айниқса, гапнинг ифода мақсади ва оҳангига кўра турлари ҳосил бўлишида юкламаларнинг ўз ўрни бор. Хусусан, бу фикр кўпроқ сўроқ гаплар ҳосил бўлишига тааллуқлидир. Аммо юкламалар гапнинг ифода мақсадига кўра дарак ва буйруқ гап кўринишларида ҳам қўлланади. Бироқ уларни ҳосил қилишда эмас, маъносини кучайтиришда иштирок қилади. Юкламалар гапнинг ифода мақсади ва оҳангига кўра турларининг лексик-морфологик хусусиятларини белгилаб кўрсатишда ўз ўрнига эга.

Ўзбек тилида сўроқ гапларни ҳосил қилишда сўроқ юкламалари (-ми, -чи, -а, -я), инкор шаклидаги гапларни вужудга келтиришда инкор юкламаси (на, на), ундов ёки ҳис-ҳаяжон гапларни пайдо қилишда кучайтирув-таъкид

юкламалари (ахир, нахот, нахотки, -у, -ю, -да, -ку) фаол иштирок қилади.

Дарак гапларда юкламалар “бирор ҳодиса ҳақида хабар бериш, бирор фактни, белгини констатация қилиш, тасдиқлаш” учун хизмат қилувчи воситалардан биридир. [Ғуломов А., Асқарова М., 1992; 56]. Бизнингча, дарак гаплар бирор воқеа-ҳодисанинг тасдиғи ёки инкори, аниқлиги ёки ноаниқлиги, бўлиш ёки бўлмаслиги, тахмин-тусмоллиги, орзу-истак, мақсад, гумон билан боғлиқлиги маъноларини ўзида ифодалаб келиши туфайли уларда мана шундай маъно-хусусиятли юкламаларни қўллаш имкони кенг. Масалан: “It is such a fine street” [Th.D. “Sister Carrie”, 25] – “Ўзиям кўчамисан кўча-да!” [Т.Д. “Бахтиқаро Керри”, 36]. Ушбу дарак мазмунидаги гапнинг аслиятида бирорта юкламалар кузатилмаса-да, унинг ўзбекча таржимасида иккита юклама қўлланилган. Улардан бири **ҳам** кучайтирув-таъкид юкламасининг сўз кўринишидан кўшимча кўринишида қискартирилган **-ям** шакли бўлса, иккинчиси **-да** кучайтирув-таъкид юкламасидир. Натижада аслиятдаги дарак гап таржимада ундов (ҳис-ҳаяжон) гап шаклида ифода топган.

Буйруқ гапларда юкламалар буюриш, қисташ, даъват қилиш, чақириш, ундаш, йўналтириш, дўқ-пўписа, зарда, жиғибийронлик, талваса, кесатиқ, илтимос, ялиниш, таклиф, насихат, тақиқлаш, огоҳлантириш, рухсат қилиш, тилак-истак билдириш каби турли модал маъноларни ифодалашга хизмат қилади [Ғуломов А., Асқарова М., 1992; 64]. Масалан: “He really expected to hear the common “Aw! go chase yourself!” in return” [Th.D. “Sister Carrie”, 42] – “Бор-е, аравангни торт! қабилидаги жавоб кутганди. Лекин Керри индамай ўгирилиб олганида жуда ҳайрон бўлди-да, уялганидан ҳиринглаб, нари кетди”. [Т.Д. “Бахтиқаро Керри”, 60].

Инглиз тилида буйруқ гапни ҳосил қилиш учун ундов сўзлардан, буйруқ майлидаги феъллардан фойдаланилаётган бўлса, шу гапнинг ўзбекча таржимасида **-э, -да** каби кўшимча кўринишидаги кучайтирув-таъкид юкламалар ҳамда буйруқ майлидаги феъл ишлатилган.

Сўроқ гапда юкламалар сўроқ мазмунини юзага чиқаради: “Made a lot of money in his time, though, hasn't he?” [Th.D. “Sister Carrie”, 36] – “Пулни вақтида ишлаб олган-а?”.

Ўзбек тилида сўроқ-таажжуб юкламалари сўроқ гапларни ҳосил қилувчи фаол лингвистик воситалардан биридир. Лекин улар ҳис-ҳаяжон гапларни ҳам ҳосил қилувчи воситалар қаторида тура олади. Ўзбек тилида юкламалар ёрдамида тузилган ҳис-ҳаяжон гаплар, асосан, сўроқ-таажжуб (-ми, -чи, -а, -я), кучайтирув-таъкид (ахир, ҳатто, нахот(ки), -у, -ю, -ку, -да ва бошқа юкламалар ёрдамида ҳосил бўлади. Бу юкламалар кўпинча феъл-кесим билан қўлланади, ўрни билан от-кесим, *бор, йўқ, керак, лозим, зарур* каби сўзлар билан ҳам қўлланиб келади [Кахарова И.С., 2019; 18].

Гапларнинг коммуникатив типларини ажратишда пресуппозиция асосида иш юритиш яхши самара бериши аён. Жумладан, -чи юкламаси иштирок қилган гаплар, асосан, сўроқ гапларни ҳосил қилиши сабабли уларда ҳукмнинг ифодаланиши ҳақидаги фикрлар ҳамиша мунозарали бўлиб келган. Кимлардир

унда “хукм ифодаланмайди” деб ҳисобласа, бошқалар ҳукмнинг яширин ифодаланишини, ё хусусий кўринишга эгаллигини, ё “ҳақиқий ҳукм сўроққа берилган жавобдан англашилади” деб таъкидлайдилар [Кондаков Н.И., 1975; 92].

-чи сўроқ юкламасига ўзи каби сўроқ мазмун ифодаляйдиган -ми, -а, -я юкламалари билан гапнинг сўроқ мазмунли типини ҳосил қилувчи қўшимча сифатида ҳам қаралади. Шу маънода гўё у сўзни эмас, гапни ясовчи қўшимча тарзида кўрсатилган. Жумладан, тилшунос О.Бозоров -чи юкламаси қаторида -ми, -а, -я юкламаларини гап турини ҳосил қилувчи юкламалар деб баҳолаган [Базаров О., 1977; 24-28]. Бу фикрни олим, бизнингча, ушбу юкламаларнинг турли хусусиятлари ва мазмуний грамматик талқинидан ҳамда сўроқ гапларнинг махсус гапнинг коммуникатив тури эканлигидан келиб чиқиб айтган.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, -чи ва бошқа сўроқ юкламалари (-ми, -а, -я) орқали ҳосил қилинган сўроқ гапларда ҳукм ифодаланмайди. Ҳукм сўроққа берилган жавоб орқали ифодаланиши рост. Масалан:

Савол: “*У расмингизни чизиб бермаса-чи?*” (тахмин, гумон).

Жавоб: *У расмимни чизиб беради* (қатъий ишонч ва ҳукм).

Баъзан **-чи** сўроқ юкламаси ёрдамида ҳукмнинг яширин ифодаланиши ҳам кўзга ташланади. Масалан: “*Олган сигиримиз қисир бўлса-чи?*” гапидан пресуппозицияга кўра “*Ҳозиргача сигирнинг иккиқатлиги билинмаяпти, қорни дўппаймаяпти*” деган хулоса, ҳукм яширин ифодаланаётганлиги англашилмоқда.

Куйидаги олтита гапнинг бештасида сўроқ-таажжуб юкламалари (-ми, -а, -я, -чи)дан фойдаланиб сўроқ гаплар тузилган ва улар ифода мақсадига кўра бир хил – сўроқ гап деб юритилса-да, маъноларидаги фарқлари жиҳатидан бир хил ифодаланмайди:

Шунча далага қовун-тарвуз экибсизларми?

Шунча далага қовун-тарвуз экибсизлар-а?

Шунча далага қовун-тарвуз экилибди-я?

Шунча далага-чи нега қовун-тарвуз экилган?

Шунча далага қовун-тарвуз экибсизлар-ку?

Аникроғи, бу гапларнинг оҳангида фарқ борлиги сезилади. Жумладан:

Шунча далага қовун-тарвуз экибсизларми? (сўроқ-таажжуб).

Шунча далага қовун-тарвуз эмайсизларми? (сўроқ-буйрук).

Шунча далага қовун-тарвуз экибсизлар-а? (сўроқ-хайрат).

Шунча далага қовун-тарвуз экилибди-я? (сўроқ-таажжуб-ҳаяжон).

Шунча далага-чи нега қовун-тарвуз экилган? (сўроқ-таажжуб, дўк).

Шунча далага қовун-тарвуз экибсизлар-ку? (сўроқ, таъкид).

Демак, ҳар қандай содда ва мураккаб гапда юкламалар пресуппозицияга ишора қилувчи восита сифатида иштирок этар экан, ўша гапни ҳам мазмун, ҳам оҳанг жиҳатидан фарқлашга хизмат қила олади. Қолаверса, бу гапларни яна куйидаги кўринишларда ифодалаш ва англаш мумкин:

Шунча далага қовун-тарвuzдан бошқа нарса ҳам экиш керак эди.

Шунча дала бўш қолиб кетмасин.

Бошқа нарсадан кўра қовун-тарвуз харидоргир экан.

Бунча қовун-тарвуз кўп.

Далалардан унумли фойдаланилмаган.

Шунча далага фақат қовун-тарвуз экмаслик керак эди.

Кўриняптики, бу гаплар пресуппозицияга кўра мазмуний жиҳатдан мураккаблашган. Бунда юкламалар таъсири катта. Шундан келиб чиқиб, нутқда пресуппозицияга ишора қилувчи воситалардан бири юкламалар эканига ишонса бўлади.

Агар соф сўроқ гаплар сўроқ юкламалари билан тузилган бўлса, гапнинг маъноси сўроқ юкламаси ва гапнинг мавжуд бўлаклари орқали англашилади. Шунингдек, сўроқ мазмунли гаплар таржимада кўпинча сўроқ маъносини сақлаган ҳолда ўгирилиши кузатилади: “You will be in Chicago some little time, won't you?” [Th.D. “Sister Carrie”, 5] – “Чикагода пича бўласиз-**ку**, шундайми?” [Т.Д. “Бахтиқаро Керри”, 10].

Ушбу гапда аслиятдаги “won't” сўроқ сўзига хос сўроқ мазмуни ва оҳанги ўзбекча таржимада -ку кучайтирув-таъкид ҳамда -ми сўроқ юкламалари орқали ифода қилинган.

Инглиз тилида кўпинча инверсиядан ё бирор ёрдамчи сўздан фойдаланилади. Гапнинг оҳангига кўра ҳис-ҳаяжон (ундов гап) ҳамда ҳис-ҳаяжонсиз гаплар фарқланиши маълум. Ҳис-ҳаяжон гапларда, хусусан, кучайтирув-таъкид юкламаларининг ўрни сезиларли. Масалан: “Not **even** a handkerchief” [Th.D. “Sister Carrie”, 217] – “**Хатто** дастрўмолим **ҳам** йўғ-а!” [Т.Д. “Бахтиқаро Керри”, 284]. Бу гапнинг инглизча ифодасида фақат битта (even) юклама иштирок этган бўлса, унинг ўзбекча таржимасида иккита кучайтирув-таъкид (хатто, ҳам) ва битта сўроқ-таажжуб (-а) юкламаси келтирилган.

Юқорида кузатилгани каби баъзан гапда ҳайрат ва таажжуб маъноси инглиз тилида оҳанг ёрдамида ифода қилинган бўлса, ўзбек тилида сўроқ-таажжуб юкламалари орқали берилиши кузатилади. Масалан, “How time does fly!” (S.M. “The Luncheon”, 97) – “**Вақт қандай тез ўтади-я!**” (А.О. “Нонушта”, 82) гапида ҳайрат ва таажжуб маъноси инглиз тилида оҳанг ёрдамида ифода қилинаётган бўлса, ўзбек тилида -я сўроқ-таажжуб юкламаси орқали ифодаланмоқда.

Қуйидаги гапда эса ҳайрат ва таажжуб маъноси инглиз тилида “Ах” ҳис-ҳаяжон ундови воситасида ифодаланган бўлса, ўзбек тилида “Ах” ундови бўлишига қарамай, унинг ўрнида “О” эмоционал ундовидан ҳамда -ми сўроқ-таажжуб юкламасидан фойдаланган ҳолда таржима амалга оширилган. Бунинг натижасида гапнинг оҳангида ҳайрат ва таажжуб маъносига сўроқ маъноси ҳам қўшилиб, сал ўзгариш юз берган: “Ah, the promise of the night” [Th.D. “Sister Carrie”, 7] – “О, тушаётган оқшомнинг ваъдаларини айтмайсиз**ми!**” [Т.Д. “Бахтиқаро Керри”, 14].

Сўроқ ва таажжуб оҳанглари бирлигида ҳосил бўлган ҳис-ҳаяжон гаплар ҳам учрайди. Масалан, “When the doctors have said they can't cure you, I say to them, come to me” (S.M. Mackintosh, 113) – “**Қани, унда менга келинглар-чи! Мен сизларни даволашга қодирман**” (М.О. Макинтош, 168). Ушбу гапнинг аслияти буйруқ оҳангидаги гап бўлса-да, унинг таржимаси ўзбек тилида -чи сўроқ-

таажжуб юкламаси иштирокида амалга оширилиб, ҳис-ҳаяжон гап кўринишида берилган.

Ҳис-ҳаяжон гапларни ҳосил қилишда сўз кўринишидаги юкламаларнинг ўз ўрни бор. Бунда кўпинча **ахир** кучайтирув-таъкид юкламасининг ўрни катта.

Ҳам юкламаси такрор қўлланса (*ҳам... ҳам*) айирув боғловчиси, якка қўлланса юклама ҳисобланади. Бу юклама гапнинг турли бўлакларига боғланиб келади ва ўзига хос пресуппозицияни юзага келтиради. Улар боғловчи бўлиб келганда, уюшиқ бўлақларни ёхуд қўшма гап таркибидаги содда гап қисмларини ўзаро бириктириб келиш ҳолати ҳам кузатилади. Аммо бу услубий жиҳатдан грамматик нормага тўғри келмайди. Шунинг учун **ҳам** сўзини ҳамиша юкламалар қаторида талқин этиш ўринли бўлади. Чунки **ҳам** юкламаси гапда, аввало, ўзига хос маълум нозик маъно товланишларини намоён этади. Бу эса, унинг юкламалик хусусиятини янада аниқлаштиради ва мустаҳкамлайди.

Ўзбек тилида -у, (-ю) юкламалари ҳам бириктирув, ҳам зидлов муносабатли қўшма гапларни шакллантиришда хизмат кўрсатади. Улар бириктирув муносабатли қўшма гап қисмларини боғлаб келганда бириктирув боғловчиларига, зидлов муносабатли қўшма гап қисмларини боғлашда иштирок этганда эса зидлов боғловчиларига синоним сифатида қаралади.

Инкор юкламаси *на...на* гап таркибидаги уюшиқ бўлақлар ёки қўшма гап таркибидаги айрим содда гаплар олдида такрорланиб келиб, уларни инкор маъносида ўзаро боғлашга хизмат кўрсатади. Ўйиборли жиҳати шундаки, бу ҳолатни ҳам ўзбек, ҳам инглиз тиллари мисолида кузатиш мумкин. Масалан: “Бийдек далада ёлғиз ўзи турган, атрофида **на** девори, **на** ихотаси бўлган ва гўё яқинлашиб келаётган уйлар армиясининг дозорчиларидек туюлган икки қаватли ёғоч иморатлар тез-тез кўрина бошлади” [Т.Д. “Бахтиқаро Керри”, 14] – “Frequently there were two-story frame houses standing out in the open fields, **without** fence **or** trees, lone outposts of the approaching army of homes” [Th.D. “Sister Carrie”, 7]. *На-на without ...or* билан берилган.

Келтирилган парчаларнинг аслиятида инкор маъноси **without/or** бирликлари орқали берилган бўлса, шу birlikлар ўзбек тилига **на/на юкламаси** воситасида ўгирилган.

Ўзбек тилида юкламалар аралаш типдаги қўшма гап қисмларини боғлашда ҳам иштирок этиши маълум. Қуйидаги гап таржимаси айнан шу шаклда таржима қилингани билан ўйиборни торта олади: “It was, nevertheless, her guiding characteristic” [Th.D. “Sister Carrie”, 3] – “Унинг худбинлиги ҳам табиатига монанд бўлиб, гарчи аниқ-равшан сезилиб турмаса-**да**, ҳар қалай, табиатининг асосий белгиси деб ҳисобласа бўларди” [Т.Д. “Бахтиқаро Керри”, 6].

Кўриништи, аслиятда мураккаб бўлмаган гап тури таржимада боғланиш ва эргашиш йўли билан мураккаблашган ҳолда тузилган аралаш гап [Ғуломов А., Асқарова М., 1989; 235] кўринишини олган. Бунда яна аслиятдаги **nevertheless** бирикмаси таржимада “турмаса-да” кўринишида берилган. Чунки уларнинг ҳар иккиси ҳам тўсиқсизлик маъносини англатиб келади. Қолаверса, **nevertheless** бирикмаси ўзбек тилига “*шунга қарамай, -га қарамасдан, бўлмаса ҳам*,

шундай бўлса-да” тарзида ўгирилиши мумкинлиги таржима луғатларида ҳам қайд қилинган.

Шунингдек, *as ... as ...* қолипидаги гапларда бу такрорланиб келаётган бирликлар худди аниқлов юкламаси маъноси ва вазифасини билдириб келади. Масалан: *She is as beautiful as her mother.* (Таржимаси: *У худди онасидай чиройли*).

Инглиз тилида *as if* қолипи кузатиладиган гапларда ҳам худди аниқлов ҳамда *гўёки* ўхшатиш юкламаларининг маъноси ва вазифаси намоён бўлади: *He speaks as if he were my elder brother.* (Таржимаси: *Унинг сўзлаши худди менинг катта акамнинг сўзлашига ўхшайди*).

Инглиз тилида *if* сўзи маъноси ва вазифаси жиҳатидан ўзбек тилидаги **-ми** сўроқ юкламасининг маъно ва вазифасига мос келади. Масалан: *We don't know if he will help us or not* (Таржимаси: *У бизга ёрдамлашадими ёки йўқми, билмаймиз*). Ёки яна: *He asked me if I liked or not.* (Таржимаси: *У мендан ёқтираманми-йўқми, шунга сўради*).

Юқоридаги икки мисол шуни кўрсатиб турибдики, юкламаларни таржима жараёнида сақлаш ҳам мумкин, ҳам мумкин эмас. Сақланса, гапнинг тузилиши ўзгариши мумкин. Содда гап қўшма гапга айланади.

2.1-жадвал.

Уларнинг вазифаси қуйидагича белгиланган		
Кўмакчи	Боғловчи	Юклама
От, олмош, ҳаракат номи сифатдошни бошқа мустақил сўзга фақат бошқарув йўли билан тобе боғлайди.	Мустақил сўзларни ва содда ҳамда қўшма гап қисмларини тенг ҳам, тобе ҳам боғлайди.	Сўзларга қўшимча маъно юклаш баробарида сўз ва гапларни фақат тенг боғлаб келади.

Ҳозирги ўзбек тилида кўмакчи, боғловчи ва юклама деб номланадиган учта ёрдамчи сўз туркуми мавжуд. Уларнинг ҳар учаласи грамматик вазифасининг яқинлигига қараб бир уя – ёрдамчи сўзлар таснифи билан бирлаштирилган.

Демак, кўмакчи деганда, от, олмош, ҳаракат номи сифатдошнинг бошқа мустақил сўзга бошқарув йўли билан, тобе боғлашга ёрдам берувчи сўзлар тушунилади. Улар қатнашган бирикма кўмакчили бошқарувли бирикма ҳисобланади. Шунинг учун кўмакчилар келишик қўшимчалари билан ўрин алмашина олади, чунки буларнинг ҳар иккаласи ҳам тобе сўзни ҳоким сўзнинг талабига қараб боғлашга, улар ўртасида алоқа-муносабат ўрнатишга кўмак беради. Мана шу жиҳатдан кўмакчи ва келишик қўшимчалари ўзаро грамматик синонимлик ҳосил қилади. Кўмакчилар бош, қаратқич, жўналиш ва чиқиш келишигидаги сўзлар билангина бирга қўлланиб келади. Тушум (-ни) ва ўрин-пайт (-да) келишикларида сўнг келолмайди. Бош келишикдаги сўзлар *билан, учун, сайин, сари, узра, бўйлаб, орқали, каби*; қаратқич келишигидаги сўзлар *билан, учун, устида, ичида, остида, қошида, ёнида*; жўналиш келишигидаги сўзлар *кўра, қараб, яраша, томон*; чиқиш келишигидаги сўзлар *буён, бери, кейин, сўнг, олдин, тортиб* кўмакчиларидан олдин кела олади.

Кўмакчини юклама билан бир туркумга бирлаштирган жиҳатлар тўрттадир: биринчиси – ҳар иккаласининг сўзни сўзга боғлашга ёрдам бериши. Фақатгина кўмакчи сўзни сўзга тобе, юклама эса тенг боғлайди;

иккинчиси – икковининг ҳам маъно бағишлаш хусусиятига эгаллиги;

учинчиси – гапнинг мазмуний ва шаклий тузилишида ўзи синтактик боғланиб келган сўзга бирикиб, алоҳида имплицит пресуппозицияга ишора қилиши;

тўртинчиси – улар ўзи иштирок этган гапда алоҳида гап бўлаги бўлмаслиги туфайли ажралиб туради ва ўзига хос мантиқий маъно билдириб, гапнинг мазмуний тузилишини мураккаблаштиради. Масалан, *каби, сингари, янглиғ, чоғли* кўмакчилари ўхшашликни; *томон, сари, қараб, қарата* кўмакчилари йўналишни; *кейин, сўнг, олдин, бери, нари, буён, сайин, бурун, илгари, оша, бўйи* кўмакчилари пайтни; *билан, орқали* кўмакчилари восита маъносини; *сабабли, туфайли, учун* кўмакчилари сабаб ва мақсадни; *узра, бўйлаб* кўмакчилари сатҳни; *бошлаб, тортиб* кўмакчиси бошланғич нуктани, *бошқа, бўлак, ўзга, ташқари, қадар* айирув-чегараловни, *кўра, қараганда, биноан, асосан, бўйича, мувофиқасос-манбани, ҳақида, тўғрисида* мавзуни, *ҳолда, йўсинда* ҳолатни, *яраша, лойиқ* вазни, *қариши, қарамай, қарамасдан* қаршилиқни билдирувчи кўмакчилар саналади. Ҳатто айрим кўмакчилар кўп маъноли ҳисобланади. Масалан, биргина “билан” кўмакчиси: а) восита маъносини (микрофон билан гапирмоқ); б) пайт маъносини (ёзи билан китоб ўқиб чиқмоқ); в) ҳолат маъносини (уйга қувонч билан отилиб кирмоқ); г) биргалик маъносини (укаси билан театрга бормоқ); д) мақсад маъносини (бўлажак келин билан танишгани чиқмоқ) билдирса, учун кўмакчи: а) аташ маъносида (устози учун шеър ёзмоқ); б) мақсад маъносида (ўқиш учун келмоқ); в) эваз маъносида (ишлагани учун ҳақ олмоқ); д) сабаб маъносида (шамоллагани учун боролмаслик) келади.

Кўринадики, билан ва учун кўмакчилари мақсад маъносини ифодалаши жиҳатидан ўзаро маънодошлик (синонимлик) ҳосил қилиши кузатилади. Бундай маънодошлик *каби / сингари / янглиғ (ўхшатиш); сабабли / туфайли / учун (сабаб); орқали / билан (восита)* кўмакчиларнинг грамматик табиати ва вазифасида ҳам кузатилади.

Кўмакчига хос ўхшатиш маъносини англатиш белгиси эса юкламага ҳам хосдир. Мана шу маънодошлик уларни синоним сифатида қарашга асос бўла олади. Масалан:

Отаси каби бўйдор йигит.

Йигитнинг бўйдорлиги худди отаси.

Бунда фақат гапнинг мазмунида эмас, синтактик қурилишида ўзгариш юз бермоқда. Таркибида кўмакчи қўлланган биринчи синтактик бирлик – мураккаб сўз бирикмаси бўлса, юклама иштирок этган иккинчи синтактик бирлик содда гапни ташкил қилган. Биринчи синтактик бирлик – мураккаб сўз бирикмасида “йигит” ҳоким (бош) сўз сифатида аниқланмишни, “отаси каби бўйдор” тобе сўз сифатида аниқловчини ҳосил қилган.

Иккинчи синтактик бирлик – содда гап таркибида *йигитнинг* сўзи қаратқич

аниқловчи, бўйдорлиги – эга, *отаси* – кесим бўлак вазифасида келган.

Шундан ҳам англашиладики, кўмакчилар фақат сўзларни боғлаб, сўз бирикмасини ҳосил қила олса, юкламалар гап бўлакларини боғлаб, гапни ҳосил қила олади.

Кўмакчиларнинг объектлар ўртасидаги чегара маъносини ифодалаш юкламаларнинг аниқлов-чегаралов турига хос вазифани ёдга солади:

Кўмакчи иштирокида: “Уни машинада йўлга **қадар** чиқариб кўйдим”.

Юклама иштирокида: “Уни машинада **атиги** йўлгача чиқариб кўйдим”.

Бу ҳар иккала гапда “йўл” чегара сифатида танланиб, иш-ҳаракатнинг атиги шу объектгача бажарилгани ва ундан нарисига бажарилмагани билдирилмоқда. Демак, чегара маъносини кўмакчи билан ҳам, юклама билан ҳам ифодалаш мумкин. Фақат бунда кўмакчи -га жўналиш келишиги қўшимчаси билан турланган ва мантикий урғу олган йўл сўзидан кейин (йўлга қадар) келаётгани, юкломанинг эса, аксинча, отларга хос -гача чегаралов қўшимчасини ҳамда ва мантикий урғу олган йўл сўзидан олдин келаётгани алоҳида эътиборни тортади. А.Шахматов таъкидлаганидек, кўмакчилар келишик формалари англатган маънони мустаҳкамлайди, тўлдиради, кучайтиради [Шахматов А.А, 1927; 97].

Умуман айтганда, кўмакчи ва юкламалар нутқнинг шакл ҳамда мазмун жиҳатдан шаклланишида муҳим вазифа бажариб келади (2.2-жадвал).

Кўмакчи, боғловчи ва юкломанинг ўзаро яқинлиги, бир туркумга киритилиши муайян асосларга эга. Айтайлик, уларнинг ҳар учаласи ҳам соф ва вазифадош кўринишда учрайди. Масалан, *билан, учун, сари, сайин, каби, янглиг, сингари, узра, туфайли* кўмакчилари, одатда, соф кўмакчи бўлиб келса, *кейин, сўнг, олдидан, қошида, ичидан, ёнида, кўра, томон, қараб, бўйлаб* ва ҳоказолар баъзан кўмакчи, баъзан ўз маъносида келиши боис вазифадош кўмакчилар қаторига киритилади. Негаки, улар соф кўмакчилардан фарқли равишда фақат кўмакчи туркумида қатъий турмайди. Уларнинг қўлланиши мустақил сўзлар доирасида кўпроқ кузатилади. Қачонки кўмакчи вазифасида келса, кўчма маънони англатади. Масалан, “қизнинг *қошида* ўсмаси бор экан” дейилса, “*қошида*” сўзи от туркумига алоқадор ҳисобланади. Агар “мактабимиз *қошида* катта боғ бор” дейилса, “қошида” сўзи бунда кўмакчи сифатида эътироф қилинади. Чунки “қош” – инсон тана аъзоларидан бирининг номи (соматизм) бўлиб, қовоқ тепасидаги ёйсимон тукли қатламни англатади. Лекин яна у баъзи нарсаларнинг олд қисми, туртиб чиққан жойини, узук, исирға каби буюмларга ўйиб солинган ёйсимон гул – безакни, учинчи *шахс эғалик ва макон келишиклари шаклида (қошига, қошида, қошидан)* кўмакчи вазифасида макон муносабатларини ҳам билдиради. У орқали бир объектнинг олдидан, ёнидан, ҳузурида ёки таркибида бошқа бир объектнинг борлиги, жойлашганлиги англашилади.

2.2-жадвал.

<i>Кўмакчи, боғловчи ва юкламанинг боғлаш вазифаси ва хусусияти қуйидагича намоён бўлади</i>		
Кўмакчи	Боғловчи	Юклама
сўзни сўзга тобе боғлайди	сўзни сўзга тенг боғлайди	сўзни сўзга тенг боғлайди
	гапни гапга тенг ёки тобе боғлайди	гапни гапга тенг боғлайди
сўзни сўзга фақат тобе боғлайди (гапни боғлолмайди)	сўзни сўзга тенг боғлайди	сўзни сўзга тенг боғлайди
	гапни гапга тенг боғлайди	гапни гапга тенг боғлайди
	гапни гапга тобе боғлайди	гапни гапга тобе боғлайди

Боғловчи – сўзни сўзга, гапни гапга ҳамда уюшиқ бўлакларни бир-бирига боғлаш вазифасини бажариб келади. Шунга кўра боғловчи сўзлар иккига бўлинади. (2.3 -жадвал).

2.3-жадвал.

Тенг боғловчилар	Эргаштирувчи боғловчилар
Уюшиқ бўлакларни ҳамда қисмлари тенг бўлган боғланган қўшма гапларни ўзаро боғлайди	Эргашган қўшма гапларнинг қисмларини тобе-ҳоким муносабати орқали ўзаро боғлайди

Шуниси борки, гап бўлаклари ёки гапларни ўзаро тенг боғлаш вазифасини боғловчилар қаторида юкламалар ҳам бажариб келади. Мана шу маънода улар тенг боғловчилардан бириктирув ҳамда зидлов боғловчилари билан вазифадошлик ҳосил қилиб, уларнинг ички тури сифатида қайд этилади (2.4 -жадвал).

2.4-жадвал.

<i>Тенг боғловчи ички турларининг қўлланиш хусусиятлари</i>						
Т./р.	Номланиши	Мазмун-моҳияти ва вазифаси	Соф	Вазифадош	Қўлланиши	
					Сўз кўринишида	Қўшимча кўринишида
1.	<i>Бириктирув боғловчи-лари</i>	Бир пайтда бўлган воқеа-ҳодисани англатади	<i>ва, ҳамда</i>	<i>билан</i> кўмак-чиси, -у, -ю, -да, ҳам юкла-малари	<i>ва, ҳамда, билан</i> кўмакчиси, ҳам юкламаси	<i>-у, -ю, -да</i> юкламалари
2.	<i>Зидлов боғловчилари</i>	Зид маъноли сўзларни ва гапларни ўзаро зидлаб боғлайди. Зидлов боғловчиларидан олдин вергул қўйилади	<i>аммо, лекин, бироқ</i>	<i>балки</i> модал сўзи, -у, -ю, -да юкла-малари	<i>аммо, лекин, бироқ,</i> балки модал сўзи	<i>-у, -ю, -да</i> юкламалари

3.	<i>Айирув боғловчиси</i>	Галма-гал, навбатма-навбат юз берган воқеликни англатади			Такрор ҳолда қўлланади: <i>зоҳ-зоҳ, дам-дам, баъзан-баъзан, хоҳ-хоҳ, бир-бир, ё-ё.</i> Буларнинг иккинчиси-дан олдин вергул қўйилади Якка ҳолда қўлланади: <i>ёки, ёхуд, ёйинки</i>	
4.	<i>Инкор боғловчиси</i>	Сўзларни ва гапларни ўзаро инкор мазмунида боғлайди. У қатнашган гапнинг кесими тасдиқ шаклида бўлади			<i>на-на</i>	
Эргаштирувчи боғловчилар						
Т./р.	Ички кўринишларининг номланиши		Кўринишлари			
1.	Сабаб боғловчиси		<i>чунки, зероки, негаки</i>			
2.	Шарт боғловчиси		<i>агар, агарда, агарчи, гарчи, башарти, мободро, гарчанд</i>			
3.	Аниқлов боғловчиси		<i>яъни, (ки, ким)</i>			
4.	Мақсад боғловчиси		<i>деб, токи</i>			
5.	Ўхшатиш боғловчиси		<i>гўё, гўёки</i>			

Ҳозирги инглиз тилидаги боғловчилар маъно ва вазифасига кўра уч турга бўлинади:

1. Тенг боғловчилар – Coordinating Conjunctions. Бир хил сўроққа жавоб бўлиб, бир туркумга кирадиган, бир хил грамматик шаклда бир хил синтактик вазифага эга уюшиб келган икки ва ундан ортиқ сўз ёки ибораларни, тенг қисмли гапларни боғлайди. Жумладан, *and, but, or, nor, for, so, yet, and/or* тенг боғловчилар ҳисобланади.

Шулар орасида **and** боғловчисининг ўзбек тилига *ва, билан, ҳамда* сўзлари қаторида *-у, -ю, -да, ҳам* юкламалари орқали тўғридан-тўғри таржима қилиниши кўп кузатилади. Масалан: “Carrie nodded and asked her sister about the neighbourhood” [Th.D. “Sister Carrie”, 11] – “Керри хўп дегандай бош ирғаб

қўйди-да, опасидан қўни-қўшниларини суриштира бошлади” [Т.Д. “Бахтиқаро Керри”, 18].

Келтирилган гапнинг аслиятидаги “nodded and asked” феълли тенг боғланишнинг таржимада “бош ирғаб қўйди-да,суриштира бошлади” кўринишида берилгани, яъни бунда **and** боғловчи ўрнида -да юкламаси боғловчи вазифасини бажариб, феъл билан ифодаланган кесимларни боғлаб келгани кузатилмоқда.

And боғловчиси гапнинг эга бўлакларини уюштириб боғлаб келса, бунда феъл кесимни кўплик сонда қўллашга тўғри келади. The sons and daughters are going to park (Ўғил ва қиз болалар паркка келишяпти).

But боғловчиси зидликни ифодалаши сабабли ўзбек тилига **аммо, лекин, бироқ** каби зидлик боғловчилари ёки **балки** модал сўзи, баъзан -у, -ю, -да юкламалари орқали таржимада берилади: “She wanted to make some reference to their relations upon the train, **but** was too timid” [Th.D. “Sister Carrie”, 12] – “У поездда бирга келишганини тилга олиб ўтмоқчи бўлди-ю, **бироқ** тортинчоқлиги йўл қўймади” [Т.Д. “Бахтиқаро Керри”, 19].

Yet боғловчиси ҳам зидликни ифодалаши туфайли ўзбек тилига уни *аммо, лекин, бироқ* каби зидлов боғловчилари қаторида шу вазифада қўлланиб кела оладиган -у, -ю, -да юкламалари билан таржимада бериш мумкин: “Yet she had applied so often” [Th.D. “Sister Carrie”, 54] – “**Бироқ** ҳар кимдан иш сўрайвериб ўлиб бўлди-ку!” [Т.Д. “Бахтиқаро Керри”, 74].

Инглиз тилида танлаш ёки ажратиш маъносини билдириш учун ишлатиладиган **or** боғловчиси ўзбек тилидаги “ёки”, “ё”, “ёхуд”, “ёйинки” сингари айирув боғловчилари билан ифода этилади.

Nor инкор боғловчиси бўлиб, ўзбек тилига **на...на** ёки **ҳам** юкламалари орқали таржима қилинади. Фақатгина ундан олдин **not** ёки **neither** сўзлари келади. Жумладан: “There were, in the last place, a few good followers, **neither** rich **nor** poor, famous, **nor** yet remarkably successful, with whom he was friendly on the score of good-fellowship” [Th.D. “Sister Carrie”, 36] – “Ниҳоят майхонага тез-тез қадам ранжида қилиб турувчилар орасида бой ҳам, камбағал ҳам бўлмаган, бироқ ҳамма танийдигану шон-шухрат бобида омади келмаганлар **ҳам** бўлиб, Герствуд улар билан чинакам ошначилик қиларди” [Т.Д. “Бахтиқаро Керри”, 51].

Агар **or** ёки **nor** гапнинг уюшган эга бўлакларини боғлаб келса, кесим ўзига яқин турган эга бўлаги билан мослашади.

So натижани ифодаловчи боғловчи ва ўзбек тилида бундай боғловчи тури мавжуд эмас. Шунинг учун ўзбек тилига таржима жараёнида бу сўз “натижада”, “шундай қилиб”, “шундай экан” кўринишларида ифода қилинади.

“So this was the game, was it? Shut him out and make him pay. Well, by the Lord, that did beat all!” [Th.D. “Sister Carrie”, 184] – “Уларнинг хунарлари шу экан-да! Уйдан ҳайдаб, пул тўлашга мажбур қилишмоқчи бўлишибди-да! Буниси чиндан ҳам ҳаммасидан ошиб тушди-ку!” [Т.Д. “Бахтиқаро Керри”, 243].

Келтирилган гапнинг ўзбекча таржимасида натижа маъноси сақланиб қолинган эса-да, уни ифодаловчи сўз ва сўз бирикмалари қўлланилмаган. Бундай

ҳолат кўп кузатилади.

For сабаб маъносини билдирувчи ўзбек тилидаги “чунки” боғловчиси ёки “учун”, “туфайли”, “сабабли” кўмакчиси билан таржимада ўзаро жой алмаша олади. Лекин уни таржимада *-дан* келишиқ кўшимчаси билан ҳам ифодаласа бўлади: “Temporarily she gave little thought to Drouet, thinking only of the dignity and grace of her lover and of his consuming affection **for** her” [Th.D. “Sister Carrie”, 102] – “Хаёллари маҳбубининг олижаноблиги, кўркамлиги ва бекиёс эҳтироси билан банд бўлганидан биров вақт Друэ ҳам эсидан чиқаёзди” [Т.Д. “Бахтиқаро Керри”, 140].

Боғловчилар услубий жиҳатдан фарқланади. Бунга **for** ва **yet** боғловчилари ҳам мисол бўла олади. Улар оғзаки нутқда деярли ишлатилмайди ва кўпроқ расмий, китобий ёзма нутқда ишлатилади.

2. Айирув боғловчилари – Correlative = Conjunctions. Ҳозирги инглиз тилида **both... and** (ва... (ҳар иккаласи) / ҳам... ҳам); **either... or** (ё... ё, ё) **not only... but also** (нафақат... балки... ҳам), **neither... nor** (на... на) кабилар айирув боғловчилари ҳисобланади. Улар тенг қисмлардан олдин ё кейин, ёки шундай бирликлар орасида такрорланиб келади. Масалан: “The entire metropolitan centre possessed a high and mighty air calculated to overawe **and** abash the common applicant, **and** to make the gulf between poverty **and** success seem **both** wide **and** deep” [Th.D. “Sister Carrie”, 13] – “Нега деганда унинг кўриниши жуда ваҳимали бўлиб, оддий фуқарони танг қолдириш ва камбағаллик билан омад ўртасидаги ўриннинг қанчалик кенг ва чуқурлигини кўрсатиб қўйиш кўзда тутилганди-да” [Т.Д. “Бахтиқаро Керри”, 22].

Кўриняптики, бу гапнинг ўзбекча таржимасида икки ўринда “ва” тенг боғловчиси ҳамда бир ўринда “-да” кучайтирув-таъкид юкламасидан фойдаланилган, холос. Унда аслиятдаги каби айирув боғловчилари келтирилмаган.

And/or (ва/ёки) боғловчилари ўздан кейин келган сўзнинг аввалги фикрга қўшимча ёки илова қилинганлигини билдиради. Улар расмий адабий тилда ишлатилмаси-да, илмий услубда кўп қўлланилади.

Қуйидаги гапда **either... or** (ё... ё) қолипи кўзга ташланади: “A man in his situation who comes, after a long round of worthless **or** hardening experiences, upon a young, unsophisticated, innocent soul, is apt **either** to hold aloof, out of a sense of his own remoteness, **or** to draw near and become fascinated and elated by his discovery” [Th.D. “Sister Carrie”, 95] – “Герствуд мавқеидаги кўп йиллар мобайнида ҳеч нарсага арзимайдиган аёллар билан таниш-билиш бўлиб юрган одам ёш, айнамаган, қалби очиқ жувонга дуч келиб қолганда ё икковларининг орасида ер билан осмонча фарқ борлигини фаҳмлаб ўзини четроққа олади, ё бўлмаса танишганлигидан суюниб кетиб бутун кучи билан унга етишишга интилади” [Т.Д. “Бахтиқаро Керри”, 130].

Келтирилган гапнинг қисмларини боғлашга айирув боғловчилари хизмат қилган.

3. Эргаштирувчи боғловчилар – Subordinating Conjunctions.

Эргаштирувчи боғловчилар бош ва эргаш гапларни ўзаро боғлаш учун тобе гапларнинг бошида, уларнинг олдида келиб, ҳоким гап маъносини изоҳлашга, тўлдиришга хизмат қилади. Эргаштирувчи боғловчилар билан бошланган тобе гап алоҳида гап сифатида ажратилмайди. Масалан: *Whenever I see her, she always curtseys and asks me how I do.* (Таржимаси: Уни қачон кўрсам, у доим таъзим қилиб мендан аҳволимни сўрайди (Jane Austin, 1816; 4).

Инглиз тилида боғловчилар тузилишига кўра тўртга бўлинади. Булар: 1. Содда боғловчилар – Simple Conjunctions: *and, but, as, or, nor, after, till, that, so, for, hence, yet, since, when, if, lest, while, whether.* 2. Ясама боғловчилар – Derivative Conjunctions: *untill, unless, supposing, seeing, provided, because, once, directly, before, consequently.* 3. Қўшма боғловчилар – Compound Conjunctions: *however, wherever, although, whereas, nevertheless, therefore.* 4. Мураккаб боғловчилар – Composite Conjunctions: *as well as, both ... and, either ... or, neither ... nor, whether ... or, as ... as, as ... so, so ... as, so ... that, rather ... than, such ... as, in order ... that, even though, even if, not so ... as, no sooner ... than, not only ... but, the ... the, no matter ..., who (when), such ... that, but that, or else.*

Ўзбек тилшунослигида юкламанинг боғловчи сафига ўтишидан ҳосил бўлган “оралиқ ҳодиса”ларга нисбатан **боғловчи-юклама** атамаси ҳам қўллангани кузатилади [Асқарова М., 1962].

Юкламалар сўзни сўзга қўшишга хизмат қилганда, унинг ёрдами билан кўпинча жуфт сўзлар ҳосил бўлади. Масалан: *Она-ю бола – гулу лола / Она-бола – гул ва лола.*

Агар лотин ёзувида жуфт сўзлар орасида -у -ю юкламаси келса, бу юклама олдинги исмдан чизикча билан ажратиб ёзилади ва жуфт сўзлар орасида чизикча қўйилмайди. Масалан: *qor-u yomg`ir, ota-yu ona, opa-yu singil* каби. Бунда чизикча олдинги сўзга тегишли бўлади. Лекин кирилл ёзувидажуфт сўзлар орасида -у/-ю юкламаси келса, бу юклама олдинги қисмга қўшиб ёзилади ва жуфт сўзлар ўртасига чизикча қўйилмайди. Масалан, *қору ёмғир, отаю она, онаю сингил.*

Юкламалар билан келадиган жуфт сўзлар таркиби, одатда, уч хил кўринишда намоён бўлади:

1) яқин маъноли, бир туркумга мансуб сўзлардан (масалан, *ошу нон, дўсту ёр, гулу лола*);

2) антоним, яъни шакли ва маъноси ҳар хил, аммо маъноси бир-бирига зид, қарама-қарши, айни пайтда туркуми бир хил сўзлардан (масалан, *яхшию ёмон, каттаю кичик, ўғилу қиз*);

3) синоним, яъни шакли ҳар хил, аммо маънодош, туркуми бир хил сўзлардан (масалан, *бахту саодат, ошу овқат*).

Мисоллардан аёнлашмоқдаки, бундай жуфтликлар ўртасида, асосан, -у/-ю, **ҳам** юкламалари келади. Лекин улар юклама сифатида маъно юклаш вазифаси билан эмас, балки боғловчи сифатида икки сўзни тенг муносабатга киритиш, боғлаш вазифасини бажариб келади.

Агар юкорида кўрсатилган жуфтликлар ўртасида соф ҳамда вазифадош тенг-бириктирув боғловчилари (*ва, ҳамда* каби – соф, *ҳам* юкламаси, *билан*

кўмакчиси – вазифадош) келса ҳеч қандай тиниш белгиси қўйилмайди. Масалан: *тун ва кун, чол ҳамда кампир, ота ҳам она, шоҳ билан гадо ...*

2.5-жадвал.

Юкламалар билан ишлатиладиган жуфтликлар, одатда, бир сўз туркумига мансуб бўлади		
Сўз туркуми	Ўзбек тилида	Инглиз тилида
<i>От</i>	<i>олмаю анор, шаҳару қишлоқ...</i>	<i>city and county</i>
<i>Сифат</i>	<i>узоғу яқин, каттаю кичик...</i>	<i>big and small</i>
<i>Феъл</i>	<i>боришу келиш, юкламоғу туширмоқ ...</i>	<i>come and go</i>
<i>Сифат</i>	<i>Оқу қора, қизилу сариқ...</i>	<i>black and white</i>
<i>Равиш</i>	<i>эртаю кеч, эртаю индин...</i>	<i>early and late</i>
<i>Олмош</i>	<i>сизу биз, сену мен...</i>	<i>you and me</i>
<i>Сон</i>	<i>учу тўрт, тўрту беш...</i>	<i>three to five</i>

Бириктирув боғловчиси вазифасида келадиган -у, -ю, -да, ҳам юкламалари кўмакчи-боғловчи саналадиган *билан* сўзи ўрнида қўллана олади. Чунки билан кўмакчиси синтактик боғлаш вазифасида келувчи аниқ мустақил маънога эга бўлмаган, умумлашган грамматик маъноли лексик сатҳ бирлиги сифатида юкламалар каби қўшиб ҳисоблаш маъносини ифодалай олади (2.5-жадвал).

Ҳам юкламаси уюшган бўлакларнинг олдида ёки охирида такрорланиб келиши мумкин. Агар у уюшган бўлакларнинг олдида келган бўлсагина боғловчи саналади.

Инглиз тилидаги партикларнинг ҳам бошқа сўз туркумлари билан омонимлик касб этишини кузатиш мумкин. Жумладан, замонавий инглиз тилида деярли барча партиклар бошқа сўз туркумлари билан омоним ҳисобланади, айниқса, равиш предлог ва боғловчилар билан. Жуда кам сонли партиклар бошқа сўзлар билан омоним эмас. Бунга бевосита *else, merely, barely, solely* каби партиклар мисол бўла олади. Аммо кўпчилиги шаклан қуйидаги сўз туркумлари билан омонимлик ҳосил қилади:

- 1) равиш билан: *exactly, simply, too, never, still, just, yet, right*;
- 2) сифат билан: *even, right, just, only, still*;
- 3) олмош билан: *all, either*;
- 4) феъл билан: *still*;
- 5) боғловчи билан: *but*;
- 6) предлог билан: *but* (бир хил).

Кўпчилик инглиз партиклари кўп маъноли ҳисобланади. Масалан, бунини *only* ва *just* мисолида кузатиш мумкин. Бу сўзлар ҳам *limiting* (айирув-чегаралов мазмунли) ҳам *intensifying* (кучайтирув-таъкид маъноли) партик бўлиб келиши мумкин. Жумладан, *only* “*Limiting particle*” сифатида айирув-чегаралов мазмунида келганида, хоҳлаган сўз туркуми билан ишлатилиши ва гапнинг турли ўринларида келиши мумкин. Масалан, *Only Mary was at home*. Бу гапда *only* партикнинг гап бошида келадигани кузатилмоқда.

Л.Типпинг фикрича, *only* сўзининг ўрни гапнинг маъносига таъсир

кўрсатади. Буни куйидаги гаплар мисолида кўриш мумкин:

Only Mary passed in French (= no one else passed).

Mary *only* passed in French (= passed but did not get honours).

Mary passed in French *only* (= passed in no other subject).

Only “Intensifying particle”, яъни кучайтирув-таъкид маъносида ишлатилувчи партикл бўлиб келса, бу ҳолатда *if* (агар) боғловчиси билан ишлатилиб, бутун гапнинг мазмунига дахлдорлик қилади. Масалан: “*If only* she were here, I should speak to her now!” – Таржимаси: “Қанийди у шу ерда бўлганида эди, мен у билан ҳозир гаплашган бўлардим”.

Ёки яна: “*If only* I had seen her yesterday, I should have told her everything”. – Таржимаси: “Қанийди мен уни кеча кўрганимда эди, мен унга ҳаммасини айтган бўлар эдим”.

Just “Limiting particle” сифатида келса, у сон сўз туркуми ва сонга хос бўлган миқдор сўзлардан олдин берилади: “The man gave the boy *just* 3 dollars”. Ёки: “He gave me *just* a little”.

Агар *just* “Intensifying particle” вазифасида келса, у предикативни назарда тутати ва кўпинча буйруқ гапларда ишлатилади: “*Just* listen to me. We were *just* about to start our journey”.

ХУЛОСА

Таржима қилинаётган инглиз ёки ўзбек тилидаги матнларда мазкур тилларнинг ҳар бирига хос тил воситалари қўлланилади ва бунда юкламаларни ўринли ишлатиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ҳар бир тилнинг лексик-грамматик тизимида унда мавжуд юкламаларнинг ўз ўрни бор. Инглиз ва ўзбек тилларидаги юклама ҳамда боғловчилар вазифадорлиги баъзан таржима жараёнида ҳам акс этади. Инглиз тилида юкламаларнинг кўпинча боғловчи сўзлар ўрнида алмашиб, вазифадор бўлиб келиши кузатилади. Бадиий матнларни шакллантиришда, улар таъсирчанлигини оширишда юкламалар муҳим аҳамиятга эга. Шу боис уларни бошқа тилларга ўгиришда юкламаларни тўғри бериш талаб қилинади. Акс ҳолда аслиятдаги шакл, мазмун ва оҳангга жиддий зарар етиши мумкин.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Abduazizov, A.A. (2010). *Tilshunoslik nazariyasiga kirish* (176 b.). Toshkent.
2. Abdullaev, A. (1987). *O'zbek tilida ekspressivlik ifodalashning sintaktik usuli* (88 b.). Toshkent: Fan.
3. Abdurahmonov, X., Mahmudov, N. (1981). *So'z estetikasi* (60 b.). Toshkent: Fan.
4. Admoni, V.G. (1973). *Sintaksis sovremennogo nemetskogo yazika* (130 s.). Leningrad: Nauka.
5. Arnold, I.V. (1959). *Leksikologiya sovremennogo angliyskogo yazika* (346 s.). Moskva.
6. Azarx, N.A. (1953). Slojnie prilagatel' nie v sovremennom angliyskom yazike. *Dis. kand. filol. nauk.* (234 s.). Moskva.
7. Aznaurova, E.S. (1988). *Pragmatika xudojestvennogo slova* (126 s.). Tashkent: Fan.
8. Asqarova, M. (1962). O'zbek tilida bog'lovchi-yuklamalar haqida. *O'zbek tili va adabiyoti*, 5.

9. Barxudarov, L.S. (1975). *Ocherki po morfologii sovremennogo angliyskogo yazika* (55 s.). Moskva.
10. Barxudarov, L.S. (1975). *Yazik i perevod* (239 s.). Moskva: Mejdunarodnie otnosheniya.
11. Baqoeva, M. (2015). *Ingliz va Amerika adabiyotidan o'zbek tiliga she'riy tarjima va qiyosiy she'rshunoslik muammolari* (288 b.). Toshkent: Fan.
12. Bazarov, O. (1977). *O'zbek tilining yuklama kategoriyasi*, 2, 24-28.
13. Begmatov, E. (1977). *Hozirgi o'zbek adabiy tilining leksik qatlamlari* (214 b.). Toshkent: Fan.
14. Begmatova, R.F. (2020). Nemis va o'zbek tillarida yuklamalarning semantik, sintaktik va stilistik xususiyatlari. *Dis. avtoref.* (12-b.). Toshkent.
15. Bo'ronov, J. (1973). *Ingliz va o'zbek tillari qiyosiy grammatikasi* (70 b.). Toshkent.
16. Jamolxonov, H. (2005). *Hozirgi o'zbek adabiy tili* (272 b.). Toshkent: Talqin.
17. Jane, A. (1816). *Emma* (p. 91). London: Published for John Murray.
18. Irisqulov, M. (1992). *Tilshunoslikka kirish* (256 b.). Toshkent: O'qituvchi.
19. Kaharova, I.S. (2019). Ingliz va o'zbek tillarida his-hayajon gaplarning kognitiv-pragmatik tadqiqi. *Fil. fan. fal. dok. dis. avtoref.* (18-b.). Toshkent.
20. Karimov, S.A. *O'zbek tilining badiiy uslubi*. Samarqand: Zarafshon.
21. Kondakov, N.I. (1975). *Logicheskiy slovar-spravochnik* (s. 92). Moskva.
22. Langacker, R.W. (1987). *Foundations of cognitive grammar* (540 p.). California: Stanford University Press.
23. Lapasov, J. (1995). *Badiiy matn va lisoniy tahlil* (88 b.). Toshkent: O'qituvchi.
24. Levinson, S.C. (1983). *Pragmatics* (220 p.). Cambridge: Cambridge University Press.
25. Madraximov, T.A. (2008). Ingliz va o'zbek tillari so'zlashuv nutqining funksional-semantik xususiyatlari. *Fil. fan. nom. dis.* Toshkent.
26. Pardaev, A.B. (2017). O'zbek tili yordamchi so'z turkumlarining lisoniy tizimdagi o'rni va lingvopragmatikasi. *Fil. fan. dok. dis.* (262 b.). Toshkent.
27. Rahimov, U.E. (1994). O'zbek tilida yuklamalar presuppozitsiyasi. *Fil. fan. nom. dis. avtoref.* Samarqand.
28. Rasulov, R. (1983). *O'zbek tilida yordamchi so'zlarning semantik-sintaktik xususiyatlari*. Toshkent.
29. Vinogradov, V.S. (2001). *Vvedenie v perevodovedenie* (224 s.). Moskva: Izdatelstvo IOSO RAO.
30. Yo'ldoshev, B. (2012). *Tilning ijtimoiy mohiyati* (160 b.). Samarqand: SamDU.
31. Ziyaev, A. (2011). *Ingliz tilida so'z ma'nolarini kuchaytirishning kognitiv talqini* (76 b.). Farg'ona.
32. G'ulomov, A., Asqarova, M. (1987). Bog'langan qo'shma gaplar. *Hozir o'zbek adabiy tili*, 163-240.
33. G'ulomov, A., Asqarova, M. (1992). *Hozirgi o'zbek adabiy tili* (56-b).
34. Shaxmatov, A.A. (1927). *Sintaksis russkogo yazika*, 2, 97. Leningrad.
35. Weydt, H., Harden, Th. (1983). *Kleine deutsche Partikellehre* (s. 141). Klett Stuttgart.

REFERENCES

1. Abduazizov, A.A. (2010). *Introduction to linguistic theory* (176 p.). Tashkent.
2. Abdullaev, A. (1987). *Syntactic method of expressiveness in Uzbek language* (88 p.). Tashkent: Science.
3. Abdurahmonov, X., Mahmudov, N. (1981). *Word aesthetics* (60 p.). Tashkent: Science.
4. Admoni, V.G. (1973). *Syntax of modern Germanic language* (130 p.). Leningrad: Science.
5. Arnold, I.V. (1959). *Lexicology of modern English language* (346 p.). Moscow.
6. Azarkh, N.A. (1953). Complex adjective in modern English language. *Dis. can. phil. sci.* (234 p.). Moscow.
7. Aznaurova, E.S. (1988). *Pragmatika xudojestvennogo slova* (126 p.). Tashkent: Science.
8. Askarova, M. (1962). About particles in the Uzbek language. *Uzbek language and literature*,

- 5.
9. Barkhudarov, L.S. (1975). *Essays on the morphology of modern English* (55 p.). Moscow.
10. Barkhudarov, L.S. (1975). *Languages and translation* (239 p.). Moscow: International relations.
11. Bakaeva, M. (2015). *Problems of poetic translation and comparative poetry from English and American literature into Uzbek* (288 p.). Tashkent: Science.
12. Bazarov, O. (1977). *Uzbek language particles category*, 2, 24-28.
13. Begmatov, E. (1977). *Lexical layers of modern Uzbek literary language* (214 p.). Tashkent: Science.
14. Begmatova, R.F. (2020). Semantic, syntactic and stylistic features of particles in German and Uzbek language. *Dis. abs.* (p. 12). Tashkent.
15. Buranov, J. (1973). *Comparative grammar of English and Uzbek languages* (70 p.). Tashkent.
16. Gulamov, A., Askarova, M. (1987). Compound sentences. *New Uzbek literary language*, 163-240.
17. Gulamov, A., Askarova, M. (1992). *Modern Uzbek literary language* (p. 56).
18. Jamolkhonov, H. (2005). *Modern Uzbek literary language* (272 p.). Tashkent: Version.
19. Jane, A. (1816). *Emma* (p. 91). London: Published for John Murray.
20. Iriskulov, M. (1992). *Introduction to linguistics* (256 p.). Tashkent: Teacher.
21. Kaharova, I.S. (2019). Cognitive-pragmatic study of emotional speech in English and Uzbek. *Dis. abs. phil. doc. philo. sci.* (p. 18). Tashkent.
22. Karimov, S.A. *Artistic style of the Uzbek language*. Samarkand: Zarafshan.
23. Kandakov, N.I. (1975). *Logic dictionary* (p. 92). Moscow.
24. Langacker, R.W. (1987). *Foundations of cognitive grammar* (540 p.). California: Stanford University Press.
25. Lapasov, J. (1995). *Literary text and linguistic analysis* (88 p.). Tashkent: Teacher.
26. Levinson, S.C. (1983). *Pragmatics* (220 p.). Cambridge: Cambridge University Press.
27. Madrakhimov, T.A. (2008). Functional-semantic features of English and Uzbek speech. *Dis. can. phil. sci.* Tashkent.
28. Paradaev, A.B. (2017). The role and linguopragmatics of auxiliary word groups in the Uzbek language in the linguistic system. *Phil. sci. doc. dis.* (262 p.). Tashkent.
29. Rahimov, U.E. (1994). Presupposition of particles in Uzbek language. *Abs. phil. sci. can. dis.* Samarkand.
30. Rasulov, R. (1983). *Semantic-syntactic features of auxiliary words in the Uzbek language*. Tashkent.
31. Vinogradov, V.S. (2001). *Introduction to Translation* (224 p.). Moscow: Publication House of IOSO RAO.
32. Yuldashev, B. (2012). *The social significance of language* (160 p.). Samarkand: Samarkand State University.
33. Ziyaev, A. (2011). *Cognitive interpretation of word reinforcement in English* (76 p.). Ferghana.
34. Shakhmatov, A.A. (1927). *Syntax of the Russian language*, 2, 97. Leningrad.
35. Weydt, H., Harden, Th. (1983). *Small German particle theory* (p. 141). Velcro Stuttgart.